

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тостига

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 7—8
(2544—2545)
1993 йил
27 ЯНВАРЬ
ЧОРШАНБА
НАРХИ 6 СЎМ

ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН

Янги йилнинг биринчи кунини Уйчи тумани Навоий номли жамоа ҳўжалиги худудидан фуқаро Исмоилжон Шариповни ўқотар қуроладан ваҳшийларча отиб ўлдириб, куйдириб юборилган жасади топилган эди. Айни пайтда Уйчи тумани ички ишлар бўлими ва вилоят жиноят-қидирув бошқармаси оператив вакиллари ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Лекин бугун гап бу ҳақда эмас.

Яқинда ушбу гуруҳ раҳбари вилоят жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Т.Раҳматуллаев қабулига фуқаро А.В. кириб келди. У ўзида бир вақтлар номаълум шахсдан сотиб олган ўқотар қурол (ясама автомат) борлигини, уни ўз ихтиёри билан топшироқчи эканлигини айтиб, ўша қуролни ва икки дона ўқдонни столга қўйди.

— Уйингда қуролнинг бўлса, — деди у, тинчинг, ороминг йўқоларкан. Айниқса, болалар қўлига тушиб, бирор қор-қол бўлмасайди, деган хавотир кеча-кундуз тарқ этмайди. Қўшни кишлоқда содир этилган қотиллик қурол билан

бўлганлигини эшитиб, уни топиришга қарор қилдим. Бунинг учун қандай жазо бўлса тайерман.

Т.Раҳматуллаев, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 210-модда, 2-қисмида ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ёки портловчи моддаларни тегишли рухсатномасиз сақлаган шахс буларни ўз ихтиёри билан топширган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилиниши кўрсатилганлиги, шунга асосан, унга нисбатан ҳеч қандай жазо чораси кўрилмаслигини айтди ва А.В. га тўғри қарори учун миннатдорчилик изҳор этди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, юқоридаги модданинг 1-қисмида: "Ўқотар қуролларни, ўқ-дорилар ёки портловчи моддаларни тегишли рухсатномасиз олиб юриш, сақлаш, сотиб олиш, ясаш ёки сотиш — беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади" — деб кўрсатилган.

И.КАРИМОВ,
Наманган вилояти ИИБ ходими,
милиция майори.

1-бет

«Қўлингда қуролнинг бўлса, тинчинг йўқоларкан»

6-бет
ФАРРОШ
ПАХЖАРА
ОРТИДА

Бугунги
СОНДА

8-бет

Хатлар, хатлар,
хатлар...

7-бет

Бақира
Дайди

Сиз кўриб турган ушбу суратда Тошкент шаҳар ИИБ ходимларининг навбатдаги "Тун" тадбирига йўл олаётганликлари муҳрланган. Бу сафар уларнинг қандай воқеа-ҳодисотлар билан юзлашганларини билмоқчи бўлсангиз, газетамизнинг 4 ва 5-саҳифаларидан ўрин олган "Минг БИР КЕЧА" мақоласини ўқиб чиқинг.
Сурат муаллифи Х. ШОДИЕВ.



Тадбир ва натижалар

Олмалик шаҳар "Привокзальная" кўчасидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро Артур Казанец шу йилнинг 19 январь кунини участка вакили, милиция катта лейтенанти Саид Турдиевга уйида ўғрилиқ содир бўлганлиги ҳақида хабар қилди. Хонадон соҳибининг айтишича, ўғриллар рангли телевизор, турли ҳажмдаги уч дона гилам ва "Электрон" соатни олиб кетишган.

Худди шу кунларда эса Олмаликда бутун шаҳар бўйлаб "Комплекс" деб номланувчи махсус режа бўйича тадбир ўтказилаётганди. С. Турдиев имкониятни қўлдан бермай, милиция лейтенанти Алижон Шерматов ва пост-патруль хизмати милиционерлари, милиция кичик сержанти Бахтиёр Султоновлар билан ҳамжиҳатликда ўз участкасида қидирув ишларини бошлади.

Вақтида ҳаракат қилишнинг натижаси бесамар бўлмади. А. Казанецнинг бисотини ўғирлаган 22 ёшли Равшан ва ундан икки ёш кичик Андрей исмли "полвонлар" ҳозирда терговчи олдида жавоб беришарди. Молларнинг эгаси эса милиционерлардан жуда хурсанд.

Икки оғиз ўтказилаётган "Комплекс" тадбири ҳақида. Олинган дастлабки уч кунлик маълумотларга асосан, шу вақт мобайнида икки нафар жиноятчи қўлга олинди, аввал яқунланмай қолган битта жиноят очилди.

550 хонадонда текширув ўтказилиб, Ўзбекистонда яшаш жойи қайд қилинмаган 39 ва ҳеч қаерда ишламайдиган 26 киши аниқланди.

Юз йигирмадан ортиқ муқаддам судланганларнинг яшаш ва иш жойлари назорат қилинди. Қўшнилар ҳаловатини бузувчи оилалар, жиноят содир қилишга мойил ёшларнинг уйларида суҳбатлар ўтказилди.

Ўқ отувчи қуролларни сақлаш қондаларини бузган ўн тўққиз фуқарога нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Малик ЮНУСОВ,
Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

ЧОРШАНБАДАН

СИЛЛИҚ КЎЧМАДИ

Оҳангарон шаҳридаги шифер ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси уйда қайнонаси билан жанжаллашиб қолди ва... уни ов милтиғи билан отиб ўлдирди. Сўнг ўзини жабрдийда қилиб кўрсатиш учун милтиқни қулоғига тўғрилаб тепкисини босди. Аммо иш у ўйлагандек силлиқ кўчмади. У тан жароҳати билан шифохонага ётқизилди. Терговни прокуратура олиб борапти.

ҚАРОҚЧИ ТУШОВДА

Янгиер шаҳридаги темир йўлчилар ошхонаси ёнида номаълум шахс Уратепа педагогика техникуми талабасини пичоқ билан кўрқитиб, 5000 сўм пули ҳамда устки кийимларини тортиб олди. Талаба бу ҳақда ўша заҳоти милицияга маълум қилди.

Милиция ходимларининг сазй-ҳаракатлари туфайли талончи ҳибсга олинди. У Ховост кўрғонига истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. Айбини бўйинга олди.

ШИФОКОРЛАР ОЖИЗ ҚОЛДИ

Янгийўл мебель фабрикаси ишчиси, 1975 йилда туғилган Ф. уйига қўшини — 14-хунар-техника билим юрти талабаси М.ни улфатчиликка таклиф этди. Аммо улфатчилик узоқ давом этмади. Дастурхонга тортилган спиртли ичимликдан заҳарланиб, улар шифохонага ётқизилди. Аммо муолажалар ёрдам бермади...

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Шайхонтоҳур туманидаги Абай кўча, 4 "а"-уй олдидаги қувур ичидан осие миллатига мансуб 30-40 ёшлардаги эркак кишининг жароҳатсиз жасади топилди. Мурданинг шахси аниқланмоқда.

АШЕВИЙ ДАЛИЛ — ОВ МИЛТИҒИ!

Учкўприк туманидаги Учкўприк кишлоғида яшовчи Х. ИИБга мурожаат қилиб, уйдан 20 метр хонатлас, бир дона рўмол ва марҳум эрига тегишли бўлган кўшотар 13 калибрли "ИЖ-1150" рақамли ов милтиғи ўғирлаб кетилганини маълум қилди. Милиция ходимлари суриштирув ва терговни тўғри ташкил этишгани туфайли ўғри топилди. У Т. Отажонов кўчасида истиқомат қилувчи, 1974 йилда туғилган Р. бўлиб чиқди. Унинг уйдан ашевий далил сифатида ов милтиғи топилди.

НОМУСГА ТАЖОВУЗ

Гулистон туманидаги автокорхона ҳайдовчиси, 1968 йилда туғилган О. 1-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчисини алдаб, Носиров номли жамоа ҳўжалигининг 5-бригадаси дала шийпонига номусига теги. Палид ҳибсга олинди.

НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Қибрай туманининг Чинобод кишлоғида истиқомат қилувчи нафақажўр Т.нинг уйига тунда уч нафар ниқобли босқинчи кириб, унинг 5200 сўм пулини тортиб олишди. Жиноятчилар қидирилмоқда.

ҚАРОҚЧИЛАР УШЛАНДИ

Жиззах вилоятининг Пахтакор давлат ҳўжалиғида яшовчи, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ф. билан В. ярим тунда Пахтакор шаҳридаги "Баҳор" дўконининг қоровулини дўппослаб, ёнидаги 300 сўм пули ҳамда "Слава" маркали қўлсоатини тортиб олишди. Қароқчилар ушланди.

ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Олмаотадан Хўжайли темир йўл шохбекатида келтирилган 22800130 рақамли

ЧОРШАНБАГАЧА

вагон қабул қилинаётганда ундан 24 ўрам, жами 300 минг сўмлик пол устига қопланадиган сунъий мато кам чиқди. Ўғирлик билан боғлиқ тафсилотлар ўрганилмоқда.

АДОВАТ ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Ғузор шаҳридаги "Луч" ширкати ишчиси ярим тунда Пахтакор кўчасида яшаган нафақадорни ўлдириб, қилган жиноятини яшириш учун уйига ўт қўйиб юборди. Аммо тажрибали милиция ходимларига қотилни қидириб топиш қийин бўлмади. У дастлабки терговдаёқ қотилликни шахсий адоват туфайли содир этганини тан олди.

ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Фарғона вилояти ИИБнинг тезкор ходимлари Марғилои шаҳрида навбатдаги оператив тадбир ўтказишди. Унда 1968 йилда туғилган Р.нинг уйдан бир килограмм гиеванд модда топилди ва йўқ қилинди. Терговни ИИБ олиб борапти.

ЙЎЛТЎСАР ҒОЙИБ БЎЛДИ

Кеч соат 20дан 30 дақиқа ўтганда Тошкентдаги Чилонзор даҳасининг 26-мавзе, 17-уй олдида ўтиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг ходимини нотаниш киши тўхтади, дўқ-пўписа билан 590 рақамли хизмат гувоҳномасини, қўл соати ҳамда ёнидаги 275 сўм пулини тортиб олган ва номаълум томонга ғойиб бўлган. Йўлтўсар қидирилмоқда.

Т. МУРОДОВ.

Жойлардан...

Ўтган 1992 йил Ўзбекистон Республикасида халқнинг ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Мустақилликнинг илк санаси умумхалқ байрами сифатида нишонланди, сўнгги вақтда биринчи бор мусулмон ҳайитлари байрам қилинди. 1992 йилнинг 8 декабрь куни мустақил Ўзбекистоннинг асосий қонуни — Конституцияси қабул қилинди. Сиёсатда, иқтисодда ва ижтимоий соҳаларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатлари тан олишиб, ўзаро дипломатик алоқа боғламоқдалар.

Республикада юз бераётган ўзгаришлар ички ишлар идораларининг фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда, улар шаклан ва мазмунан ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон милицияси жиноятчиликка қарши кураш ишида чет давлатлар билан мустақил ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкент вилояти ички ишлар идораларининг шахсий таркиби 1992 йил мобайнида мураккаб шароитда фаолият кўрсатиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда маълум тadbирларни амалга оширди ва вилоятда барқарор оператив ҳолатни ушлаб туришга эришди.

Вилоят ҳудудида ўтган йил давомида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ишлари янада кучайтирилди. Барча шаҳарлар ва туманларда "Комплекс", "Тун", "Тўсиқ" каби махсус тadbирлар кетма-кет ўтказилди. Махсус ҳисобларда турган шахслар билан профилактик ишлар яхшиланди, жиноятларнинг олдини олиш, содир бўлганларини очиш ва ўз вақтида тергов ишларини тугаллашга эътибор, айниқса кучайтирилди.

Амалга оширилган тadbирлар

ХИЗМАТ БИЗДАН — БАҲОЛАШ СИЗДАН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА 1992 ЙИЛДА ЖИНОЯТЧИЛИК
ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛГАН КУРАШ
НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

натижасида вилоят ҳудудида умумий жиноятчиликнинг олдини олишга ва оз бўлсада қисқартиришга эришилди. Ўтган 1992 йилда 1991 йилдагига қараганда 0,1 фоиз кам жиноят рўйхатга олинди.

Жиноятчиликнинг сифат жиҳатидан ўзгариши ҳозирги кунга хос бўлган муҳим белги бўлиб қолмоқда. Уюшган жиноятчилик фаоллашмоқда.

1992 йилнинг апрель-май ойларида Янгийўл тумани ҳудудида "Уши" лақабли фуқаро бошчилигидаги 12 кишидан иборат жиноий гуруҳ аниқланиб, ушланди. Улардан кўп миқдорда гиёванд моддалар, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар тортиб олинди. Амалга оширилган оператив қидирув тadbирлар натижасида бу гуруҳ томонидан Янгийўл, Қуйичирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманлари, ҳамда Янгийўл шаҳрида содир қилинган 4 автомашина ўғирлиги, 4 зўравонлик ишлатиш йўли билан пул ундириш ва 12 та мол ўғирлаш жиноятлари фoш этилди.

Ўтган 1992 йил давомида вилоят ички ишлар идоралари томонидан 652 та ана шундай жиноий гуруҳлар фoш этилди. Бу гуруҳлар таркибида бўлган 1524 жиноятчи

1051 та жиноятларни содир қилишда айбланиб, жазога тортилди.

Гиёвандлик — жиноятчиликни келтириб чиқарувчи жиноят тури сифатида вилоятимиз ҳудудида ҳам содир бўлмоқда. Ўтган 1992 йилда гиёвандлик моддаларни сақлаш, сотиш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва уларни жиноий жавобгарликка тортиш ишлари яхшиланди. Натижада 397 та шундай йўналишдаги жиноят аниқланди, бу эса аввалги йилдагига қараганда 5,6 фоизга кўп демакдир. Уни тарқатувчи жиноятчилардан 100 килограммдан ортиқ гиёванд моддалар тортиб олинди.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш аҳволи оператив вазиятга таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. Ўтган йилда жами 2058 та жиноят аниқланган. Бу аввалги йилдагига қараганда 6,7 фоизга кўп демакдир.

Вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида профилактика хизмати ва унинг жойлардаги бўлинмалари аҳоли орасида ту-ну кун иш олиб боришаётир. Улар томонидан 4981 майда безори, 1148 майда

чайқовчи, 14280 паспорт тартибини бузув-чилар, 540 рухсат бериш тизими ҳуқуқбузарлари, 6260 жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилар, бошқа нопок шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилмоқда, 1206 дайди ушланиб қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларига юборилди.

Ўтган йилдан бошлаб профилактика хизмати таркибида жамоат ахлоқи доирасида рўй бераётган ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўлими иш бошлади. Бу хизмат ходимлари томонидан ўтган йилда 738 нафар "хавф" гуруҳига кирувчи шахслар, шулардан 21 та беҳаё фильмларни намойиш қилувчи видеотекалар, бир нечта исловатхона, 5 қўшмачи ва ҳоказолар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.


Ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар бу-гунги кунда ҳам жиноят қилганлар орасида олдинги ўринда туришибди. Ўтган 1992 йилда вилоятда 1661 нафар шундай тоифадаги шахслар жиноятлар содир қилишда иштирок қилганлар. Улар томонидан тобора кўпроқ давлат ва фуқароларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш жиноятлари содир этилмоқда.

Айни кунларда вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари олдида маҳаллий ҳокимиятларнинг вакиллари, маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда нопок шахсларни аниқлаш, ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаёт тарзларини назоратга олиш вазифаси янада яққолроқ кўндаланг бўлиб турибди.

Ўйлаймизки, ходимларимиз бу ишни уддалайдилар.

Б. ДАВЛАТОВ,
ИИБ ўрдасининг таҳлил бўлими бошлиғи,
милиция майори.
Х. ОЛЛОНаЗАРОВ,
ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция
майори.

... хабарлар



ЯКУН ВА ХУЛОСАЛАР



Бўлинмалар фаолиятини янада такомиллаштириш учун нима қилиш керак! Хизмат қандай имконият ва истиқболларга эга! Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" республика бирлашмаси бўлинмаларининг 1992 йилдаги хизмат ва молиявий-хўжалик фаолиятларига бағишланган оператив кенгаш диққат марказида мана шу ва бошқа масалалар турди.

— "Қўриқлаш" республика бирлашмаси ва унинг ички ишлар идоралари ҳузуридаги бўлинмалари, — деди кенгаш очилишида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Э. Норгитов, — бир қатор салбий ижтимоий — иқтисодий омиллар туфайли мураккаблашган шароитда ишлаб, давлат ва жамоат мулки, фуқароларнинг шахсий мол — мулкни ишончли қўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида тadbирлар комплексини амалга оширдилар. Ўзининг қирқ йиллик фаолияти даврида ушбу хизмат халқ мулкни муҳофаза қилиш борасида жуда катта тажриба тўплаган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унинг хизматидан 20 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар, 30 мингга яқин хонадон соҳиблари фойдаланаётганлари бежиз эмас.

Қўриқлаш хизмати ходимларининг моҳирона ҳатти-ҳаракатлари туфайли ўтган йилда икки мингдан ортиқ жиноятларнинг олди олинди ва очилди, ўғирликда гумон қилинаётган 1869 нафар киши ушланди. Марказлаштирилган қўриқлаш гуруҳлари ва бошқа бўлинмалар томонидан қўриқланаётган халқ хўжалик объектлари ва фуқароларнинг уйларидаги 696 ўғирликнинг олди олинди, халқ мулкига кўз олайтирган 825 шахс ушланди. Турли маъмурий қонунбузарликлар учун 91223 киши ички ишлар идораларига келтирилди.

"Қўриқлаш" бирлашмасининг бошлиғи, милиция

полковниги Х. Убайдуллаев ўз нутқида бўлинмаларнинг шахсий таркиби ўзининг бевосита хизмат вазифаларидан ташқари республика ички ишлар идоралари ўтказган "Тўсиқ", "Комплекс", "Корадори" ва бошқа тadbирларда ҳам фаол иштирок этганлигини таъкидлаб ўтди. Бирлашма раҳбариятининг ташаббуси билан ИИБ ва ИИБда объектларда содир этиладиган ўғирликларга қарши курашни мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиялари ташкил этилди.

Ўтган йилда фақат бирлашма маъмурияти ходимлари томонидан 111 та рейд ўтказилиб, 213 нафар майда ўғри ушланди. Республика саноат корхоналаридан хом-ашё ўғирлаш йўллари аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ўтказилган тadbирлар давомида 21 мингдан ортиқ майда талончилар ушланиб, давлатга бир миллион сўмликдан ортиқ моддий бойликлар қайтарилди.

Хўжалик алоқалари узилган ва ёнғиндан муҳофаза қилиш асбоблари, автотранспорт ва бошқа материаллар билан марказлаштирилган ҳолда таъминлаш кескин қисқарган шароитда ҳам "Қўриқлаш" бирлашмаси бўлинмалари халқ хўжалик объектларини ҳимояга олиш, уларни техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларини бўшаштирганлари йўқ. Қўриқланаётган объектларни замонавий муҳофаза воситалари билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилди. "Қўриқлаш" бирлашмаси раҳбарияти ва барча ходимларининг жонбозлиги туфайли республика корхоналаридан уч миллион сўмликдан кўпроқ ускуна сотиб олиш борасида бевосита шартномалар тузилди. Қўриқлаш бирлашмаси бўлинмаларининг эҳтиёжлари учун умумий миқдори ўн беш миллион сўмликдан кўпроқ зарур техника воситалари ва асбоб-ускуналар харид қилинди.

Бирлашма Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг тармоқ хизматларига бегараз ёрдам кўрсатиш, учун маблағ ажратиш, хайрия тadbирларида фаол иштирок этди.

Тиббиёт Бошқармасига чет эл ускуналари ва техника воситалари сотиб олиш учун бир миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ИИБнинг поликлиникаси ва госпиталига 95 минг сўм, Олий милиция мактабига бир миллионга яқин, "Динамо" жамияти республика кенгашига 500 минг сўм ўтказилди.

Бундан ташқари ички ишлар идораларининг хайрия фондлари, "Наврўз", "Болаларни ҳимоя қилиш кўни" байрамларини ўтказиш, ходимларнинг оилаларига ёрдам бериш учун пул ажратилди.

Халқ мулки, фуқароларнинг шахсий мол-мулкларини қўриқлашни яхшилаш учун бирлашма бўлинмалари янада кўпроқ ишларни амалга оширишлари мумкин. Аммо ечими уларга боғлиқ бўлмаган муаммолар мавжуд. Қўриқланаётган объектлардаги телефон хизматидан фойдаланишнинг ниҳоятда қимматлиги баъзи хўжалик раҳбарлари ва хонадон соҳибларининг шартномаларни бу-зишларига сабаб бўлмоқда. Бу масалани ҳал қилиш юзасидан Алоқа вазирлигига қилинган мурожаат натижа бермади.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари И. Норгитов энг яхши кўрсаткичларга эришган ва мукофотли ўринларни эгаллаган Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг ходимларини қўтлади.

Г. КЕРБОЛАЕВ,
"Қўриқлаш" республика бирлашмаси бошлиғининг
ўринбосари, милиция полковниги.
СУРАТЛАРДА: оператив кенгашдан олинган лавҳалар.

Таҳририятдан: таҳририят жамоаси "Постда" — "На посту" газеталарига моддий ёрдам кўрсатганлиги учун "Қўриқлаш" республика бирлашмасининг раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этади.

Фидойи инсонлар

ҲАМИША САҒДА

Одабийлик, ҳалоллик, чуқур ички маданият, ишчанлик-бу кишига хос асосий хусусиятлар ана шулардан иборат, хизматдош ўртоқлари милиция полковниги Камол Эргашевни худди шундай киши сифатида билишар ва ундан нафақат ишда, балки оилавий муносабатларда ҳам ўрнатқилишига интилишарди. Бу инсоний фазилатлар ва одамлар билан ишлаш билиш маҳорати Камол Эргашевичга ёшлигидаёқ, лейтенантлик давридаёқ, Тошкент милициясининг сиёсий бўлимида назоратчи бўлиб ишлаб юрган пайтда катта обрў келтирган эди.

Ички ишлар идораларида хизмат қилган даврда К. Эргашев раҳбарлик ёки тарбиявий ишлар билан боғлиқ бўлган ўн бешга яқин лавозимларда ишлади. Биринчи раҳбарлик лавозими — Оржоникидзе тумани ИИБ бошлиғи бўлди. Бу бўлим хизмат кўрсатадиган ва Тошкент билан чегарадош ҳудудда оператив вазият доим мураккаб бўлиб, ИИБ раҳбарияти томонидан танқидга учраб турарди. Шунинг учун эндигина шу лавозимга тайинланган капитан Эргашев ҳам танқид тигига учраши табиий эди.

У ишни интизомни мустаҳкамлаш, талабни кучайтириш, муносиб кишиларни ишга олиш, оператив хизматга эътиборни кучайтиришдан бошлади. Бу чора-тадбирлар кўп ўтмай ўз самарасини бера бошлади. Жиноят-қидирув бўлими ва БХСС хизмати аниқроқ ишлайдиган, участка вакиллари эса жиноятларни кўпроқ очадиган бўлиб қолдилар.

...Дўконлардан бирининг директори тушлик танаффус пайтида ўз иш жойида ўлдириб кетилди. Шу куни савдодан тушган пул ҳам ғойиб бўлган эди. Бунга ўхшаш жиноят содир этишга қодир киши туман ҳудудда йўқлиги сабабли уни четдан келган шахс қилган, деган фикрга келинди. Маҳаллий аҳолидан сўраб-суриштирилди. Ҳақиқатан

ҳам бир неча киши шу дўкон яқинида бегона кишини кўрганларини маълум қилиб, унинг белгиларини айтиб беришди. Зудлик билан кўрилган чоралар натижасида орадан кўп ўтмай қотиллик ва боқинчилик қилган жиноятчи ушланди.

Бўлимга бошқа бир дўкон директори, Усмон деган киши турли қинғир ишлар билан шуғулланаётгани ҳақида хабар келиб тушди. Текширувда анча камомат борлиги аниқланди. Тергов давомида Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан ўғирланган бурдойдан тайёрланган ун шу савдо тармоғи орқали сотилгани маълум бўлди. Қирққа яқин киши жиний жавобгарликка тортилди.

Бошлиқ билан ходимлар бўлимининг обрўини эндигина тиклашга эришган эдилар ҳамки, уларнинг режаларини ўзгартириб юборган воқеа юз берди. Ҳукумат қарорига биноан пойтахтни ўраб турган олти туман биттага-Калинин туманига бирлаштирилди, унинг ички ишлар бўлимига эса Камол Эргашев бошлиқ этиб тайинланди. Бирлаштирилган бўлимининг штати жиддий қисқартирилиши натижасида ходимларнинг иши деярли икки баробар ортиб кетди. Ишнинг мураккаб томони шунда эдики, тумандаги жиноятларнинг кўпини шаҳарликлар содир қилишарди. Аммо ёш бошлиқ бу сафар ҳам бўш келмади. Орадан бир оз вақт ўтгач, бўлимининг иши яна юришиб кетди.

К. Эргашевга бундан ҳам масъулиятлироқ иш топшириш мумкинлигини тушунган ИИБ раҳбарияти уни республика милицияси бошқарув хизматининг бўлим бошлиғи этиб тайинлади. Орадан бир йил ўтмасданок, у шу бошқарма бошлиғининг ўринбосари даражасига кўтарилди.

1966 йилнинг апрель ойида ИИБнинг бригадаси текшириш ишлари билан Қорақалпоғистонга

борган эди, Ишни вазирнинг кўнгироғи бўлди: “Зудлик билан орқага қайтинг”, деди у. Ўз оилаларидан хавотир олган одамлар Тошкентга ошиқшарди. Ҳамма ҳам одатдаги самолётда учиб кета олмади. К. Эргашев билан бир гуруҳ ходимлар юк самолётида етиб келишди.

К. Эргашев ички кўшинларнинг зилзила оқибатини тугатиш Урдаси бошлиғи қилиб тайинланди. Бу давр унинг хизмат фаолиятидаги энг оғир вақт бўлди. Иш ҳажмининг кўпайганлиги, жиноятлар сонининг ортиши оқибатида ухлаш учун 4-5 соатдан ортиқ вақт қолмасди. Милиция бир йилга яқин алоҳида режимда ишлади.

Шундай бўлдики, Камол Эргашевга бир неча марта янги иш участкасини ўзлаштиришга тўғри келди. ИИБда уч йил ишлаганидан сўнг янги — Наманган вилояти ИИБга бошлиқ этиб тайинланди. 1968 йилнинг март ойида буйруқ билан олти кишини ишга қабул қилди. Бир неча ой ўтгач, бошқарма ходимлар билан тўлдирилди. Бу вақт ичида вилоятда бир неча йирик жиноятчи гуруҳ, шу жумладан, 38 кишидан иборат ўғрилар тўдаси зарарсизлантирилди.

Камол Эргашевнинг қўлида ишлаган бир неча ходим генерал бўлиб етишди. Кўплаб қариндошлари унинг йўлидан бориб, ички ишлар идораларида ишлайди. Биродари Тешабой милиция старшинаси, унинг ўғли — милиция подполковниги Бахтиёр Эргашев нафақага чиққунига қадар ИИБ Урдаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди. Камол Эргашевнинг ўғли милиция катта лейтенанти Баҳодир касалиқдан вафот этди.

Бошқа ўғли — милиция подполковниги Ҳаким Тошкентда жиноят-қидирув бўлимасининг бошлиғи, унинг укаси — ички хизмат капитани Анвар Қибрай тумани ИИБ ёнгиндан сақлаш давлат назоратчиси, уларнинг синглиси — олий маълумотли ҳуқуқшунос Шоира Юнусобод кўриқлаш бўлимида оператор бўлиб ишламоқда. К. Эргашевнинг кўёви милиция майори Шокир Одилов Юнусобод тумани ИИБ бошлиғининг навбатчи ёрдამчиси, бошқа кўёви ички хизмат капитани Мирҳосил Жалилов Шайхонтоҳур тумани ИИБнинг назоратчиси.

Камол Эргашевнинг ўзи ИИБ қошидаги Қўриқлаш Бошқармасига узоқ вақт бошчилик қилди. Ҳозирда республика Мудофаа вазирлигида меҳнат қилмоқда. Ўзининг қирқ йиллик умрини ички ишлар идораларида ишлашга бағишлаган К. Эргашевнинг меҳнати кўплаб орден ва медаллар билан тақдирланган. Ҳозирги кунда унинг ишини ўнлаб ва юзлаб шогирдлари давом эттирмоқдалар.

К. РАВШАНОВ.

СУРАТДА: К. Эргашев ўғиллари билан.



Кутлаймиз!

МОҲИР ТАШКИЛОТЧИ, МЕҲРИБОН УСТОЗ



Фақур Раҳимович Раҳимов ўз меҳнат фаолиятини 1942 йилда Андижондаги мудофаа идораларининг бирида бошлади. Сўнгра у ички ишлар органларига юборилди. Ўтган 43 йил мобайнида кичик лейтенантликдан милиция генерал-майоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

У бутун ҳаёти ва хизматини халқ осойишталиги, тартиботни мустаҳкамлаш ишига бағишлади. У Андижонда 35 йил мобайнида тезкор вакилдан вилоят ИИБ бошлиғигача бўлган лавозимларда ишлади.

Мазкур бошқарма Ғ. Р. Раҳимов раҳбарлигида бир неча бор ички ишлар вазирлиги “Ҳурмат тахтаси”дан жой олди. Вазирнинг буйруғига кўра бошқарма илгор тажриба бўйича базавий орган деб эътироф этилди.

1983-1985 йилларда Ғ. Р. Раҳимов Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи вазифасида ишлади. Бу ерда қатор қийинчиликлар мавжудлигига қарамасдан, қисқа муддат мобайнида оператив вазиятнинг барқарорлигига эришди ва ИИБ билан жойлардаги бўлинмаларнинг узвий алоқасини таъминлади. Вилоят корхоналари ва ташкилотларида ниқобланган ўғрилик бўйича қатор жиний ишларни очишга шахсан раҳбарлик қилди. Тезкор ва

моҳирона тергов ҳаракатлари натижасида уюшган ҳамда ниқобланган жиноятлар фош этилди, қимматбаҳо буюмлар, катта миқдордаги пуллар, бир неча ўнлаб автомашиналар, қуруллар, гиёҳвандлик ашёлари олиб қўйилди ва мусодара қилинди.

Ғ. Р. Раҳимовнинг катта ташкилотчилик қобилияти республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, биринчи ўринбосари бўлиши учун имкон яратди.

Ғ. Р. Раҳимов раҳбарлиги остида ички ишлар вазирлигининг қатор хизмат соҳалари тезкорлик ф о л я т л а р и н и мукаммаллаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. У республика ички ишлар органлари соҳасига хорижий тажрибани жорий этишга катта эътибор берди.

Ғ. Р. Раҳимов ички ишлар органларининг бир неча раҳбар ва тезкор ходимлари авлодини тарбиялаб, уларни ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўзига ва бошқаларга юксак талабчанлик, хизмат бурчига садоқат руҳида камол топтирди.

Унинг ўнлаб ва юзлаб издошлари оқсоқолнинг ишини муносиб давом эттирмоқда, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда устозларидан олган тажриба ва билимларидан фаол фойдаланмоқдалар.

Ғ. Р. Раҳимовнинг фидокорона меҳнати “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени ва кўплаб медаллар билан тақдирланган. У айни пайтда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” унвонига сазовор бўлган.

1993 йил 1 февралда Ғ. Р. Раҳимов 64 ешга тўлади. ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби уни бу муборак айём билан табриклайди, ишида катта муваффақиятлар, мустаҳкам соғлик ва бахт тилайди.

Суратда: Ғ. Р. Раҳимов.

ХАЛҚ ЖОНҚУЯРЛАРИ

Фарғона шаҳри кундан кунга гўзаллашиб бормоқда, бунинг рамзи тинчлик ва осойишталикдир. Бу эса шаҳар милиция ходимларининг тинчлик сақлашдаги хизматлари эвазига бунёдга келмоқда.

Яқинда ИИБ ходимлари томонидан бир гуруҳ жиноятчиларнинг пайи қирқиб ташланди.

Воқеа 1992 йилнинг 24 ноябри кечаси бўлганди. Шаҳарда тинчлик-осойишталик ҳукмрон, аҳоли авжи дам олиб, ҳордиқ чиқариш палласида. Соат 22 дан 30 дақиқа ўтганда, бирдан аҳоли зич жойлашган жойда қаттиқ портлаш рўй берди. Безовталанган фуқаролар бу нима кўргулик деб, хавотирланиб, уйқулари қочиб кўчага чиқдилар. Қаттиқ портлашни эшитган шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги З. Ҳасанов шаҳардаги ҳамма участка милиция назирларини ҳушёрликка чақириб, содир бўлган воқеани аниқлашни топширди. Шу куниеқ воқеадан хабар толган вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция

подполковниги Ш. Рўзматов, шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи билан телефон орқали боғланиб, ёрдэм қўлини чўзди.

З. Ҳасанов бу воқеанинг тағига етмасак бўлмайди, аҳолининг тинчлиги, қолаверса жамоат тартибини бузган шахс ким экан, агарда аҳвол шундай кетаверса, аҳоли милиция шаънинга нималар дейиши мумкин, дея ўйлаб, навбатчи билан боғланди. Унга жиноят-қидирув бўлимасининг бошлиғи, милиция катта лейтенанти Б. Мираҳмедовни топишни буурди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, жиноят-қидирув бўлимасининг бошлиғи Баҳодиржон унинг ҳузурига қириб келди. Кечани бедор ўтказган бошлиқ эрталаб ходимларни тўплади. Йиғилишда вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги М. Собиров қатнашди.

Бу тезкор йиғилишда содир бўлган воқеа ходимларга тезлик билан етказилди, жамоат тартибини кўпол равишда бузган шахсларни қидириб топиш топширилди.

Сўнг М. Собиров ўз фикрини айтиб, шаҳарда тўртта махсус тезкор гуруҳ тузиш таклифини киритди. Биринчи гуруҳ бошлиғи этиб, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи муовини милиция майори Б. Қурбонов, иккинчи гуруҳга шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлимасининг бошлиғи милиция катта лейтенанти Б. Мираҳмедов, учинчи гуруҳга милиция майори А. Қосимов, тўртинчи гуруҳга эса милиция участкасининг бошлиғи, милиция майори Ғ. Йўлдошевлар тайинланди. Кечаси билан тинчлик билмай чиққан ходимлар яна хизматга отланишди.

Тўрт гуруҳ ходимлари жойларда милиция ҳисобида турган турли шахслар билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқдилар. Ходимларнинг кеча-кундуз демай олиб борган қидирув ишлари натижасида Фарғона шаҳрида яшовчи фуқаро Анвар Тўйчиевнинг ҳовлисида бўлган портлашни содир этган гумондорлар аниқланиб қўлга олинди. Булар фуқаро М. Маматов ва вояга етмаган С. Ҳасанов бўлиб чиқишди. М. Маматовнинг уйи текширилганда 51 дона катта калибрли снарядлар олинди. Вояга етмаган С. Ҳасановнинг уйи оқсида жойлашган гараждан 28 дона катта калибрли снарядлар топилди. Шунингдек

фуқаро А. Эшбоевдан бир дона катта калибрли снаряд олинди.

Жиноятни содир этган гумондор шахсларни тез кунда қидириб топишда тажрибали милиция ходимлари — вилоят ИИБ ЖҚБ бошлиғи милиция полковниги М. Собиров, шаҳар ИИБ бошлиғининг муовини, милиция майори Б. Қурбонов, жиноят-қидирув бўлими ходимлари Б. Мираҳмедов, О. Қурбонов, М. Раҳимов, А. Ҳайдаматов, Б. Тўшматов, ВЕИН бошлиғи А. Қосимов, милиция участкаси бошлиғи Ғ. Йўлдошев ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Ушбу факт бўйича гумондорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 210-моддаси билан жиний иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб бораётган хизматлари учун фуқаролардан миннатдорчилик билдирилган хатлар келмоқда.

А. ГАНИЕВ, вилоят ИИБ ходими.

«ТУН»

Сарлавҳага кўзингиз тушиб, вой азаматлар-ей, Хорун ар-Рашид ҳақида яна бир эртақ ўқирканмизда, деган ўйга борган бўлишингизга қарамасдан бизнинг эртақ сўйлаш ниятимиз йўқ, фақат олдинроқ анча-мунча ёзиб қўйганимиз — «Тун» тадбири мавзусига яна бир бор қайтишга жазм қилгандик. Ахир кунлар ўтаяпти, тунлар ўтаяпти, ана шу уйқусиз кечаларда кимлардир ўз хизматларини ўташяпти:

ўйингоҳи томонидан аёл кишининг чинқирганини эшитиб, ўша томонга шошилдик. Борсак, бир аёл йиглаб ўтирибди. Кимдир унинг бошидаги теллагини юлиб қочган экан. Шошилиш метро томон жўнадик. Аёл шу ёқни кўрсатган эди. Метрога кираверишда бир ўспирин ўзини тутиши билан этиборимизни жалб қилди. Ушлаб текширганимизда ёнидан аёллар телпаги чиқди. Сўраганимизда, аввалги аёлнинг

барзангининг чўнтагига уриб, «Бу нима?» — деганди, у чўчиб тушди. Милиционерлардан бири шарт гилофдан тўппончасини олиб, ўқталди: «Қимирлама! Отаман!!!» Шундай қилиб, бу йигитлар бир тунда ноқонуний равишда курул олиб юрган иккита шахсни қўлга олдилар.

Худди шу йигитлар шу рота ходимлари Пак ва Маткаримовлар билан биргаликда Иктисодиёт дорилфунунининг толиби Хуқуқшунослик олий билимгоҳи толибасининг номусига теғмоқчи бўлаётганда, жиноятнинг олдини олиб қолишди. Бунинг устига йигитнинг ёнидан қўлбола ўқ

ҳам инкор этмадим.

— Фақат фонdda пул камайиб кетган дейишадикун хозир, — дейди Шавкат.

— Эҳтимол, аммо бир парча қоғоз — «Мақтов ёрлиги» қаҳат эмаску, тўғрими? — деди Алишер. Ишлаётган одам учун шу ҳам етади, — уйга олиб борса, кўрсатса, бўлди-да. Ҳеч бўлмаса сафнинг олдига чиқариб бир оғиз раҳмат, деб қўйишса ҳам, одам ўзини енгил сезади. Ўлгудай ишласангу ҳеч ким сезмаса роса алам қилади, лекин.

Мен уни тушундим. Тўғри — раҳбарлар ҳамма вақт ҳам ўз қўл остидагиларнинг қилаётган

Менга таъсир қилгани взвод командири, милиция капитани Фатхилла Ҳасановнинг эҳтирос билан гапирган гаплари бўлди. Бу пайтда суҳбат мавзуси милицияю жиноятчиликка бориб тақалганди.

— Айримлар нима учун милицияни ёмон кўради? Чунки ўлар қонун-қонидани билишмайди; чунки ўлар миш-мишларга кўпроқ ишонишади. Ўлар кўпинча милиция сабабсиз ҳам одамларни ушлаб кетаверади, деб ўйлашади. Қонун-қонидани билмагандан кейин, жиноятчи, билмасани роса ёмонлаб (ўртада адоват борда), мени сабабсиз ушлашди, деганидан кейин шундай



ўғрилари тутишяпти, босқинчиларни ушлашяпти, тартиббузарларни тартибга чақиршяпти. Уларнинг бугунги тунни аввалгисига, сиртдан қараганда ўхшаш бўлса-да, сира менгазб бўлмайди. Ҳар тун ўзига хос воқеа, ҳар тун ўзига хос ҳаракат, ҳар тун ўзига хос саргузашт...

Хуллас яна шу мавзуга қайтишга жазм қилдик.

Соат кечки саккизда Глинка кўчасида бошланган тақсимдан мен ҳайратландим: эҳ-ҳей, бунинг бирорта ўғри ёки босқинчи кўргудек бўлса, кўрқувдан тиззалари қалтираб кетарди. Бунчалик таъвишу, шунчалик дабдабадан сўнг шаҳарда бирорта жиноятнинг содир этилиши ҳам даргумон бўлса керак, деб ўйладим. Бундай чоғда ҳамма шундай хаёлга бориши тайин.

Тақсимда шаҳардаги бугунги кунги оператив ҳолат ҳақида маълумот айтилди. Бир кунда шаҳар бўйича 30га жиноят содир этилиб, шундан йигирматаси очилибди. Пешинда битта котиллик юз берган экан, котил аниқланиб, қўлга олиш чоралари кўрилган. Кейинги пайтларда гаражлардан ўғрилик содир этиш, қимматбаҳо теллақларни юлиб қочиб (ўспирлар томонидан) ҳоллари кўпайган. Тадбир иштирокчиларига мана шу жиҳатларга етарлича аҳамият бериш лозимлиги уқтирилди.

Тақсим давомида керакли маълумот ва кўрсатмалар берилгач, мени ҳаракатдаги соқчилик хизмати милиция полки ўрдаги бошлиги, милиция катта лейтенанти Ашур Мансуровга бириктириб қўйишди: «Нива»си бор, иссуққина» — деб ўқтиришни ҳам унуттирмади. Кейинчалик менга бу гап озроқ кесатикдай туюлди, лекин ажойиб машина экан.

Шундай қилиб, «Нива»да йўлга тушди, мен Ашур акани бу лавозимда икки ойдан буён ишлаётганини эшитиб, табриклаб қўйишни унутмадим.

Ишни эса полкнинг Чилонзор тумани ҳудудида фаолият кўрсатувчи ротаси йигитларини текширишдан бошладик. Бу маҳал соат кечки тўққизлардан ўтиб қолганди.

Ашур ака рация орқали чақиргач, икки йигит йўл четига келиб туришди. Маълум бўлишича, бу экипаж шу йилнинг бошидан буён 7 жиноятни фош қилибди.

— Тунув кунни қизик бўлди, — деб гап бошлади экипаж командири Анатолий Яхшинский, Ашур ака мени таништиргач, — парк ёнида бир аёлнинг сумкасини қандайдир ўспирин юлиб қочгани ҳақида хабар олдик, зудлик билан етиб келиб жиноятчини қидиришга киришган чоғимизда, «Меҳнат резервлари»

сумкасини олиб қочган унинг акаси эканини айтди. Бориб уйдан уни ҳам қўлга олдик. Бундан ҳам галатироқ жиноятни, тўғрироғи жиноятларни очгандик; кимдир электр ҳисоблагични ечаётгани ҳақидаги хабарни олганимиз ҳамонок, айтилган жойга бордик. Кирсак ростдан ҳам икки киши ҳисоблагичларни ечаяпти. Шу атрофдаги кўшнлар пойлаб, улар шу ишга қўл уришганини сезиб, милицияга кўнгироқ қилишган экан, етиб келганимизда ҳали улар машгулларини тамомлашмаганди. Ушладик. Сумкаларида йигирмага яқин шундай ҳисоблагичлар бор эди. Кейин билсак, улар бу иш билан мунтазам шуғулланиб келишган экан, орқаларидан юздан ортиқ жиноятлари очилиб кетди.

— Агар, — дейди унинг ҳамроҳи, — оқшом билан куйиб-пишиб жиноятни очсагу, эртаси кўнги газетани очиб қарасанг, бу ишни бошқаларнинг ҳисобига ёзиб юборишса алам қилар экан... Шунгаки ҳам бўлди-да, бизда бир марта.

Қорнимга эмас, қадримга ййглайман, дейишганидек бу йигитларга ҳам кимнингдир беъэтиборлиги қаттиқ таъсир қилган кўринади.

Йигитлар билан хайр-хўш қилиб, йўлга тушдик. Ҳамроҳим 2-ротанинг эҳчил йигитлари ҳақида, улар очган қизиқарли воқеалар ҳақида гапириб кетди, йўл-йўлақай.

Милиция сержанти Абай Болтабоев, милиция катта сержанти Шухрат Мирусонов милиция лейтенанти Ҳасан Сафаров раҳбарлигида тақсимдан қайтишаётган эди. Лутфий кўчасида тўхтаб турган тақси уларнинг эътиборини тортди. Уч йўловчи ҳайдовчи билан нималарнидир бўлишолмаётган эди. Улар секин бориб, нима гап эканини сўрашди. Тўсатдан негадир ҳайдовчи чўчиб тушди. Унда бир нарсаси борлигини сезган милиционерлар уни ташқарига чақирди. Сафаров яқинлашганда тақсист тўсатдан бақиршга тушиб кетди: «Яқинлашма, ҳаммангни отиб ташлайман. Қурулим бор». Милиционерлар унга ташланишиб, шимининг липпасига қистирилган тўппончасини тортиб олишди.

Худди шу кунни кечаси 25-мавзе ҳудудида шубҳали кўринган бир улловни ўша йигитлар тўхтатишиб, хужжатларини текшириб кўришмоқчи бўлишди. Уловдан тушган бир барзанги гап қотди: «Биламан, сенларга наша билан курул керак. Бизда унақаси йўқ». Кўрққан олдин мушт кўтарди, қабилида иш тутилаётганини сезган йигитлардан бири

отиш курули ҳам топилди...

Хуллас, шунақа гап-сўзлар билан икки экипаж тўхтаб, гаплашиб турган жойга ҳам етиб келдик. Бугун ҳам тадбирда ўша йигитлар юришган экан. Саломалиқдан сўнг Ашур ака уларга убу тайинлаган, бир кўр текшириб, имтиҳон қилган бўлди. Мен ҳам бир-икки савол бериб, уларнинг кайфиятини билишга уриндим. Назаримда ёмонмасди. Ҳазиллашиб ҳам қўйишди бир-бирлари билан. Мен эса уларнинг ишларида ҳазил нақадар асқотишини, керак бўлишини кейин англадим. Кўрган-кечирганларидан қисқа-қисқа гапириб беришди.

Миробод тумани томон ИИБга йўл олдик. У ерда бизни 54-экипаж кутиб турган бўлиши керак. Чунки Ашур ака рация орқали хабарлашиб, ҳеч қаерга жилмай туришларини тайинлаганлар. Лекин белгиланган жойга келганимизда улар йўқ эди. Кейинроқ пайдо бўлишди. Ўрда бошлиги уларнинг аллақандай қоғоз ва дафтарларини текширди, нималарнидир ёзди ҳам, сўнг милиция кичик сержанти Шавкат Юсуповдан бугун нечта ва қанақа машиналар олиб қочилгани ҳақида хабар тушгани, шундан қанчаси бекор қилинганини сўраб, имтиҳон қилди. Жавобдан қоникди чамаси, ичкарига кириб кетди. Биз Шавкат билан суҳбатга киришдик. У менга буронги кунни 54-экипаж аъзолари милиция сержантлари Отажон Мадраҳимов, Фахриддин Ортиқовлар билан ҳамкорликда очган жиноятлари ҳақида гапириб берди.

— Жиззах ва Самарқанддан келган икки йигитча тақсига минади ва 8-март кўчасида унга пичок тирашиб, 1780 сўм пулини олиб қўйишди ва ҳаракатини давом эттираверишини таъкидлашди. Таксист пайт пойлаб, улловдан сакраб қочади. Шу пайт биз воқеадан хабартопиб етиб бордик. Жиноятчиларнинг бирини ДАНнинг йигитлари тутишди. Биз иккинчисини қувиб кетдик. У заводга кириб яширинди. Бир соат излаб тополмадик. Кейин темир йўл шохбекати томон кетдик. Орадан анча ўтиб ҳайкалининг ёнида бир йигитчани кўриб, текширмоқчи бўлдик, у эса қочишга тушди. Ушлаб бўлимга келтирдик ва тақсист босқинчилардан бири шу эканини айтди. Унинг ўзи бунини тан олди.

Гап айланиб ишлаган кишини рағбатлантиришга бориб тақалди. Улар — «Нива»мизнинг ҳайдовчиси Алишер Маматхонов ҳам, Шавкат ҳам, шу ердаги яна бир сержант ҳам пул мукофоти бериб туриш (йшлаётганларга, албатта) ходимни маънавий қўллаб-қувватлашнинг энг яхши йўли эканини таъкидлашди. Мен

ишларидан қоникавермайди ёки уларнинг ишини сезмай ҳам қолади. Қолаверса, қилаётган ишлари учун маош олаяттику, деган тушунча ҳам йўқ эмас, уларнинг айримларида. Бирок инсонга ўзининг қилаётган ишидан кимдир манфаат олаётганини, шу ким учундир керак эканини сезиб ишлашдан мароқлироғи йўқ.

Мен кейинроқ раҳбарларнинг ҳам худди шу мавзуга яқинроқ бир суҳбатда иштирок этиб қолдим.

— Сержантларга ён босмаслик керак. Бу ишни ижобий томонга силжитмайди, — деди бири.

— Ҳа, — маъқуллади иккинчиси.

Билмадим. Бу иккита дунёқарашнинг ўртасида роса бошим қотгач, бирор ечим тополмай қўл сийтаб қўяқолдим: ўзлари ҳал қилишади...

Ниҳоят полкка қайтдик. Навбатчи милиция катта лейтенанти Аъзам Қурбонбоев ҳаммаёқда тинчлик эканини айтди. Бугун эрталабдан буён иккита машина ўғрилиги юз берибди, холос.

— Ҳа, — деди Ашур ака ҳам, — бугун шаҳар анча тинч. Боя ҳеч қанақа овоз йўқлиги, рация бузилиб қолибди деб ўйлаб, уни қовлаштириб ётибман.

Бу ерда беш дақиқа ўтирар-ўтирмасдан, Аъзам ака Ҳамза тумани ҳудудидаги ротани текшириб келамиз, деб қолди. Навбатчи машинада ўша томонга жўнадик. Бу пайт соат ўн яримлар бўлган, ҳали бутун тун олдинда эди.

Чоғроққина, беўхшов бир хонада бизни 6-7 нафар милиционер кутиб олишди. Бу хонани, албатта яхшигина жиҳозланган деб бўлмайди. Мен ўйладимки, бу шунчаки чекиш хонаси, кейин, бу ердан қайтиб чиқиб кетар маҳалимиз Аъзам ака айтиб қолди: «Йигитларимизга янги хона бериб яхши қилишди. Бўлмаса жуда қийналиб қолишувди». Мен ҳайрон бўлдим: «Бу ҳали ротанинг хизмат хонасими?» «Ҳа. Эскиси нариги томонда, ярми ениб кетган бир томча эди. Қулаб йигитларни босиб қолишидан кўрқибди чамаси бу томонга ўтказишди. Юринг, эскисини кўрсатаман сизга». «Керак эмас». Мен янгиси шу даражада бўлган хонанинг эскисини аллақачон тасаввур қилиб қўйгандим.

Шундай қилиб кетар чоғимизда шу гап-сўзлар бўлиб ўтди. Фақат бу кейин. Ҳозир эса биз бу хонага кириб келган эдик.

Яқинда рота ходимлари — Фатхилла Ҳасанов, Никита Мустафоев, Бахтиёр Умаров, Олимхон Аҳмедовлар бир миллион икки юзу эллик минг сўмлик мол-мулк ўғирлаб кетаётган ўғрилари 62-экипаж ёрдамида тутишган экан, шу воқеа тафсилотларини сўзлаб беришди.

МИНИГ

ўйлайди-да. Ўйлагани майли, ўнг келиб қолса сўкади, ҳақорат қилади, милиция эса ҳаммасига қийдайверади. Аммо улар билишмайдики, қанча милиционер ўлиб кетаяпти. Мана, (у киши бир хушсурат сержантнинг расмини кўрсатди) мана шу йигит ўлиб кетди. «Отажон, Онажон», — деб ўлиб кетди... Орқасидан тўртта боласи чирқиллаб қолди... Ўқ еб ўлиб кетди, бечора...

Фатхилла ака ўзини босиб давом этди.

— Бу жиноятчиларнинг гапларини, қилаётган ишларини ўйлаб куйиб кетасан-да. Манави йигитни (у барваста лейтенантни кўрсатди) отишган, бунинг эса сал қолган отиб қўйишларига... Яна бир йигитимиз бор эди, унинг бўйнидан пичоклашган. Ўлимнинг дарвозасидан зўрга қайтариб келишди-я. Ҳаммамиз қон бердик. 4 ой госпиталда ётди. Пичоклаган эса 4 йилга қамади...

— Майли, — деди бир оз сукутдан сўнг Фатхилла ака. — Булар ҳаммаси жиноятчи билан бўладиган курашлар, дейлик, аммо қонун-қониданинг тескарчилигини қаранг. Мен Марказий хиебонда юрган бир жиноятчидан ханжар топсам унга теғмасдан, жиноятчининг ўзини бўлимга судраб келишим керак. Ва бунда орқамдан иккита гувоҳ ҳам эргашиб келиши керак. Протокол тузаётганимиздагина ҳалиги совуқ курулни ундан олишим мумкин. Агар у ўз номи билан жиноятчи бўлса, мен бўлимга судраб келгунимча қараб ўтирар эканда. Ханжарини қорнимга тикиб, қочиб қолмайми?

— Ўқотар курулни ҳам шундай олиш керакми?!

— Ҳа, сиз нима деб ўйловдингиз? Бўлмаса судда ҳаммаки чипакка чиқади... Ана шунақа қонун-қоида билан ишлаб етибмиз.

У киши яна кўп нарсалар ҳақида гапирди. Кейин билсам, 32 йилдан буён милицияда ишлар экан. «Бу ишнинг пири бўлиб кетишганда, улар», дейишди.

Полкка яқинлашиб қолай, деб қолганимизда рациядан Ашур аканинг овози эшитилди: «Тезроқ келинглар». У киши Собир Раҳимов туманига текширувга жўнамоқчи бўлиб турган экан. «Нива»га мен ҳам мингашдим.

Туман ИИБга етиб борганимизда соат ўн иккилар бўлиб қолган, ҳадемай ишдан кейин бўладиган (кечки сменада турганлар учун) тақсим бошланиб кетди. Биз Алишер иккаламиз машинада ўтириб кута бошладик. Тақсим тугагач, милиционерлар тарқалиб, қолганлар билан Ашур ака бинога кириб келди.

— Бугунги қилинган ишларни таҳлил қилишди, — изоҳ берди Алишер.

Биз кутиб қолдик. Ҳаво совуқ эди. Алишер орада икки марта

«ТУН»

машинани қиздирди-ю, у барибир совиб қолаверди. Машинанинг иссиги бўларканми, деб ўйладим ўзимча, бу жонивор темирдан бўлса... Оёғим яхлагач эса отабоболаримизга қойил қола бошладим. Ахир сандал деймизми, танча деймизми, ўшани шулар ўйлаб топишганда. Одамнинг оёғи исимаса ҳаммаси бекор. Унинг исиси эса анча қийин.

— Бу юриш жонга тегиб кетмайдими, — сўрайман ўйлаган ўйим қолиб Алишердан.

— Нега? — ҳайрон бўлади у. — Ҳеч ким бизни қўлимиздан судраб келмаган-ку, тўғрими?

орада милиция кичик лейтенанти унвонини олибди, иккинчи ротада взвод командири экан. У мендан ўзлари билан қолишни илтимос қилди.

— Қолишингиз мумкин, — деди Ашур ака ҳам, — бугун шаҳар жуда осойишта. Сиз учун бирор бир факт қилиб беришим ҳам даргумон. Қайтанга йигитларнинг ишини кўрасиз.

Қолдим. Машинада яна уч киши бор экан: экипаж командири, взвод командири ёрдамчиси, милиция катта сержанти Султон Азимов, ҳайдовчи, сержант Бахтиёр Иброҳимов ва яна бир сержант.

— Йигитча гап, юр ҳозир топиб бераман.

Йигитлар машинани кўздан кечиришди: излаган нарса йўқ эди, чамамда. Мастларнинг ҳўлиқишларига қарамай уларни қўйиб юборишди.

Кейин бизга "нўл сақкиз" минган ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари Зикрилла Солиев ва Камолитдин Хусановлар ҳамроҳ бўлишди. Улар ҳам "Тун"да экан.

Белгиланган мавзеда айланаб юридик. Шубҳали кўринган кишилар, уловлар текширилди. Орачорада ҳазиллашини ҳам унуттирмади.

— Мукофотдан омадим

кинчи чикмайман, деди улардан бири. Шахсини текшириш учун йигитлар тўхтатган бир қиз ҳам улар билан бирга экан.

Бахтиёр ака "Узик"ни бир қўр айлантриб судраб келди, ўт олмади.

— Бабинаси кетган кўринади, — деди у киши, — судраб элиб ташлаймиз.

"Узик"ни судраб гаражга элтиб ташлаганимиздан сўнг, "501"нинг йигитлари пою пиеда,

Унга мен ва Собир эргашдик. Уларни Фарҳод бозори ёнида қолдирдик.

Азамат мени метро бекати ёнига ташлаб кетганида соат бешдан қирқ беш дақиқа ўтаётганиди.

Шу тариқа "Тун"нинг яна бир кечаси тинч ва осуда интихо топди. Албатта бу кеча мухбир учун "пичоққа илинадиган" бирорта воқеа рўй бермади, милиционерлар учун эса мана шу

БИР КЕЧА

Ўзимиз келганмиз. Шунинг хохлаганмизда...

Орадан чамаси бир соатлар ўтиб, соат бирларда Ашур ака бир йигитни олиб чиқди. У ишдан қайтаётган экан. Гап-сўзлардан англадим, туман ИИБ бошлигининг муовини экан. Ишдан қайтаётган киши икки ўртада биз билан яна бир соатлар қолиб кетди: шунча вақт бир экипажни топиш, унга керакли йўриқ ва кўрсатмалар беришга кетди. Сўнг у кишини йўлда тушириб қолдирдик. 25-экипажнинг аҳволдан хабар олиш учун жўнадик.

— Ишларингиз оғир экан, кадрлар масаласи қандай? — сўрадим йўлда Ашур акадан.

— Ёмон эмас. Етишади... Энг асосийси бизнинг кадрлар ҳамма жойда кадрланади. Мана, ўзингиз эшитдингиз, участкавойликка йигитларингдан бер, дейишяпти. Чунки йигитларимиз ишни билади. Полкдан деса ҳамма жон-жон деб олади.

Ўрда бошлиғи рация орқали 25-чи билан учрашув жойини белгилади. Биз кута бошладик. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас улар келишди.

Мен ўша тун нимани кутмаган бўлсам, у ҳам шу журналист Шовқиддин Самиевни учратиш эди. Бир вақтлар бу йигит газетамизнинг жамоатчи мухбири эди. Бундан бир йил бурун ўзининг мақолалари билан газетамизда фаол иштирок этиб турарди. Кейин сира дом-дарагини кўрсатмай кетганди. Бу

Йўлга тушдик. Катта йўлдан гизиллаб кетаётган пайтимизда кимдир айтиб қолди: "Тўхтатинг, Бахтиёр ака, биттаси ўғрилиққа тушяпти". Машинани бурдигу, айрилган жойга келдик. Ҳамма уйқуда, осойишталик ҳукмрон атрофда. Дов-дарахтлару буталарнинг ости кўздан кечирилди, лекин қутилган ўғридан дарак йўқ. Шовқиддин иккинчи қаватнинг айвончасига осиб қўйилган шолчага ишора қилди:

— Султон, балки манавини кўргандирсиз?

Ҳамма ўшанга қаради. Дарҳақиқат нимқоронгуда шолча одамга ўхшаб осилиб турарди.

— Шу бўлса керак, — деди у ҳам. — Қоронгуда кимдир балқонга осилиб тургандай кўриниб кетди.

Яна йўлда давом этдик. Олдимиздан бир "ГАЗ-24" ўтиб кетганда Бахтиёр ака гийқиллатиб "Узик"ка тормоз берди.

— "Волга"даги биттаси наша ўраб кетаяпти.

Мен уларнинг ҳушёрлигига қойил қолдим. "Волга"нинг ортидан тушдик. Йўлда олдимиздан бир-икки улов чиқиб қолмаганида тезроқ улгурган бўлардик. Биз ҳам бир амаллаб етиб тўхтадик, назаримда кеч бўлган эди. "Волга"дагиларнинг иккитаси маст эди. Тушиши биланоқ ҳовлиқиб кетди.

— Сенларга наша керакми? Топиб берайми? Чекасанларми? Кимдир "керак, керак", деганди баттар ҳовлиқди.

юришмаган, — дейди Бахтиёр ака. — Бундан беш-олти йил бурун бир хавфли жиноятчини уч-тўрт киши бўлиб тутдик. Мукофотга тавсия қилишдию, ҳаммага бериб, менга беришмади. Алам қилиб, нима гап деб сўрасам, "комсомол ўқитингиз йўқ экан, шунинг учун бермадик", — дейишди.

Султон кулади. — Кейин, — гапини давом эттири у киши, — бир бало қилиб ўқитни тўғрилаб келсам, комсомолнинг ўзи йўқ бўлиб кетди.

Султоннинг баттарроқ кулганига қарамай Бахтиёр ака гапини давом эттирди:

— Яқинда бир жиноятни очдик. Яна мукофотга тавсия қилишди. Бу сафар катталардан кимдир тасдиқламади. Иккинчи рота халдан ташқари мукофотни кўп олиб юборган эмиш. Яна бир жиноятни очгунингча кутиб тур, дейишди.

Икки-уч қайта ўтганимизда йўлнинг четидида бир "Узик" — тиббий ёрдам машинаси турган эди. Йигитлар "501" турибди, — дейишувди. Кейин билсак бу "Тез ёрдам" бузилиб қолган экан. Рация орқали "бориб ёрдам беринглар" дейишди.

Келсак йигитлар тараша бўлиб қолган, кўпдан буён шу ерда туришган экан.

Машинани ҳамкорликда тадбир ўтказиш учун қайсидир тиббий муассаса ажратган бўлса керак, деган тахминга келдим.

— Бунақа машина билан ик-

ҳалиги қизнинг лаш-лушу, сумкаларини кўтаришиб, ИИБ томон жўнашди. Биз эса хизматга.

— Хушёр бўлинглар, — деди Бахтиёр ака — ўғрилар чиқадиған пайт келди.

Аммо қутилган ўғрилар чикмади. Худудда роса бир соат айланаб, учраган, текширган одамларимизнинг бирортаси ўғри бўлиб чикмади.

Ниҳоят, тонг бўзариб кела бошлағач, Акмал Икромов туман ИИБга қайтдик. Бу ерда ўтириб йигитлар билан бафуржа суҳбатлашдик. Ўзларининг роталари ҳақида гапириб беришди. Айтишларича, рота полкда олдингилар қаторида экан. Кўрсаткичлари ҳам ёмонмас. Ўтган йили рота йигитлари жами 6893 нафар ҳуқуқбузар ва жиноятчини қўлга олишган экан. Гаплашиб ўтирган чоғимизда икки йигит кириб келди. Улар 21, 22, 23-дахаларда патруллик қилишган экан. Булар милиция сержанти Олимжон Файзиматов ва милиция катта сержанти Азамат Искандаровлар эди.

— Бугун тинч бўлди, — дейишди улар. — Фақат битта хонадонда жанжал чиққан экан, бориб тинчлантирдик. Кейин фақат профилактика билан шугулландик.

— Командир, — деди Азамат Шовқиддинга, — мен полкка машинани ташлаб келгани кетаяпман, кетсангиз юринг, йўлақай ташлаб ўтаман.



осудалиқнинг ўзи ҳам "пичоққа илинадиган" воқеа. Мен рацияларни соқов одамдек гум-гурс бўлиб туравериши уларнинг ҳаммасини ажаблантираётганини сездим.

Балиқ сувда ўзини қандай тутса, бу йигитлар ҳам тунги Тошкентда шундай ҳаракат қилишларини кўриб англадимки, улар шунга ўхшаган ва ўхшамаган тунларнинг минглабини бошидан кечирганлар. Буни Бахтиёр ақанинг гаплари ҳам тасдиқлаб турибди. У киши тунги соат уч бўлганини эшитиб шундай деганди: "Ҳозир уйқунинг энг ширин пайти... Ҳа-я, буни сизларга айтиб нима қилдим. Аллақачон ҳеч қайсинг бу уйқунинг фаҳмига етмайдиған бўлиб қолгансан".

Тўғри, улар минглаб кечалари навбатчилик қилишгандир, аммо умрлари бизникидек бир хилликдан иборат эмас, чунки улар тунда ишлашади. Тунларнинг ҳар бири эса ўзига хос бўлади.

Исмомил ШОМУРОДОВ,
«Поста» мухбири.

Суратларда: "Тун" тадбири бошлангани олдидан.

Суратларни Ҳ. ШОДИЕВ олган.

РЕИД

МУШУГИ «ПИШТ» ДЕЙИЛМАГАНЛАР

Себзор даҳасининг 34-уйида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг шикоят билан йўлга тушдик. Унда Собир Раҳимов туманидаги 24-озик-овқат дўкониди бўлаётган қингир ишлар — харидор ҳақидан уриб қолиш, уларга кўпол муомала ҳақида хабар берилганиди.

Иккита холис киши — шу даҳада яшовчи Дилбар ва Салима опалар бизга ҳамроҳ бўлишди. Назорат харидини Салима опа қилди. У киши сотувчи — Нуриддин Тўраевдан ун, гуруч, ег, макарон олди ва унга 1000 сўм узатди. Сотувчи апил-тапил ҳисоблаб, харидорга 680 сўм қайтам берди. Харид чоғида шу ерда ҳозир бўлган Дилбар опа ҳам сотувчининг ҳаракатларини кузатиб турди.

Ниҳоят биз кириб, олинган нарсаларни қайта тарозига қўйиб, ҳисоблаганимизда Нуриддиннинг Салима опадан 4 сўму 14 тиийн уриб қолгани маълум бўлди.

Мухтарам ўқувчи бу ҳисоб-китобни кўриб, шунга ҳам шунчами, деган ўйга боришям мумкин. Энг асосий гап ҳам мана шунда-да. Халқимиз андишали, кечиримли. Айримлар эса айнан мана шундан фойдаланмоқчи, мол-дунё, бойлик орттирмоқчи бўлишади. Бундайлар,

айниқса, савдо соҳасида кўп. Одамлар эса уларни билса ҳам, "ке, куй", — деб қўл силтаб қўя қолишади.

— Махсулотларни вақтида ололмаймиз, — дейди Шафоат опа, — сотувчилар кўпол, ҳам тарозидан, ҳам пулидан уришади. "Ундай қилма", — десангиз: "ҳамма жим кетади, фақат сиз тўполон қиласиз", — деб ўзингизни айблашади ҳам. Уч ойдан буён чой олганимиз йўқ. Ҳар доим кўнгилсизлик, уруш-жанжал. Баҳодир деган йигит бор, баланд бўйли, қорачадан келган. "Боринг-боринг, қўлингиздан келганини қилинг", — дейди тунув кўни. Йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетдим.

Керакли қогозларни тўлдирётганимизда, дўкон мудирини Шукурхўжа Баҳодиров келди. Унга шикоят хати ўқиб берилганда, эндигина ойдан тушган, ҳеч нарсани билмайдиган, ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдек ҳайратланди:

— Наҳотки? Баҳодир Жабборовнинг қилиб юрган ишларидан мутлақо беҳабар эдим. Мана бу хатдан кейин ўзимни жуда ёмон ҳис қилаяпман... Агар Себзордаги аҳоли менга шу нарса ҳақида олдиндан айтишганида эди, бунга сира йўл қўймас

эдим.

У кишининг гаплари шунчалар самимий эдики, эшитган киши ҳақиқатдан ҳам унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ экан, деб ишониб кетар, ҳар хил гаплар бўлмаган экан, деган ўйга бориши ҳам ҳеч гап эмасди. Лекин шу ерда турган Дилбар опа унинг гапларини чиппақка чиқарди:

— Баҳодир кўпол муомала қилиб, пулимиздан уриб қолгандан кейин мен Собир Раҳимов тумани озиқ-овқат савдоси идорасига мурожаат қилдим. Улар дўкон мудирига мурожаат қилишимизни айтишга, телефон рақамимни қолдириб келдим. Кейин Шукурхўжа Баҳодиров дўконга келишимизни илтимос қилди. "Соат бешда келинг", — деди. Мен невараларимни боғчадан олишим керак, дедим, "унда олтида келинг", — деди. Келдим, маҳалламиз аҳли ҳам шу ерда экан. Биргалашиб кутдик. Роса икки соат. Ниҳоят тоқатим тоқ бўлиб, кўнгироқ қилсам у киши "мен отчёт қилаяпман, бормайман" — дейди.

Бу ерда биз ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳақида ҳақамлик қилиб ўтирмаймиз. Бу ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола. Қолаверса, бу ердаги аҳволдан кўриниб

турибдики, дўконда мухит анча носоглом. Бугунги озиқ-овқат тақчил кунларда савдода ҳар хил қингирликларнинг тез-тез содир этилиши янгилик эмас, асосий гап эса мана шу қонунбузарликларга бепарқ қарамасликда, унга кўникиб қолмасликда. Қолган ҳаммаси аста-секин бўлаверади. Вақт келади, бу борадаги қонунбузарликлар интихо топадаи, ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Бунга эса, езувчи айтганидек, ишонмасликка асос йўқ.

Уша кўни ҳамманинг тилидан тушмаётган, ўша "машхур" Баҳодирни учратмадик, унинг нафсини тиелмаган ўртоғи эса қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Бу дўконни назорат қилувчи идоралар эса, бу сафар сал ҳушёрроқ бўлишар, деган умиддамиз. Чунки, бу ердаги ўзини хон, қўланқасини майдон ҳисоблаб юривчи айримларнинг мушугини "пишт" деб қўядиган киши жудаёам керакка ўхшайди. Улар ҳалқни жуда қийнаб қўйишди.

Дўкондан одамларнинг илтижосини эшитиб, кўнглимиз чўкиб қайтди.

У.САЛОҲИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ИЖК катта оператив вакили, милиция майори.
Ҳ.ҲОШИМОВА,
журналист.

Ножўя қадам — ташвиш ила ғам



Одамнинг ваҳшийлашиб кетиши олдида ҳар қандай йиртқиш ҳам ҳеч нарса билмай қолса керак...

Шоҳидани яхши ниятлар билан уч йил бурун куёвга узатишган эди. Куёв бўлмиш — Шухрат ҳам бошланишида жуда ақллидай кўринганди. Қилиғини эса 3-4 ойдан кейин бошлади. Ичадиган одат чиқарди, оғзини буткул қўпол-қўрс гаплар эгаллади. Худди шунинг учун яратилиб, шунинг учун уйлангандек. Оиладаги турмуш заҳарга алмаша борди. Кейин-кейин Шухрат ҳақорат билан ҳам чекланмай, хотинини дўппослайдиган ҳам одат чиқарди.

Ёз ойларида бирида жанжал жуда авж олди. Шоҳидани ўласи қилиб калтаклаган Шухрат уни отасининг уйига ташлаб кетди.

Шоҳиданинг акаси Мамасидиқ бу ҳолга ортиқ чидаб туролмади. Сингласини етаклаб Булуғур туман ички ишлар бўлимига олиб борди. У ерга ариза топширгач, суд-тиббийот кўригига йўлланма олишди. Шоҳида кўриқдан ўтди.

Бу гап Шухратга етиб боргач, у оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди. Қамалиб кетишидан ўлардек кўриққани учун қариндош-уруғларини йиғиб, маслаҳат солди. Улар айб Шухратда эканини билишарди ва бир ёш оиланинг бузилиб кетиши

яхши эмас деб, Шоҳидаларникига бўйин эгиб боришди. Олдинига аёлнинг ота-онаси унашмади, улар эса келаверишларини қўявермагач, ниҳоят кўнгиллари юмшаб, розилик билдиришди. Эру-хотиний Жомбой туманидаги мачитга олиб бориб бошқатдан ниқоҳ ўқитишди. Минг панднасиҳат қилишиб тарқалишди.

Ҳаммаси яхшидай эди, бироқ... Бир куни Шухрат ишдан эрта келди:

— Бўлинглар, меҳмондорчиликка, отанларникига борамиз, — деди.

Шоҳида севиниб кетди ва болаларини кийинтирди, ўзи ҳам кийинди.

Уларни биргалашиб кетаётганини кўрган чолу кампирлар роса севинишди. Куёвларининг ақли кириб қолганига шукроналар қилишди.

Дастурхон устидаги суҳбат эндигина қизиётган бир пайтда Шухрат томдан тараша тушгандек гап қотди:

— Менга икки минг сўм пул керак, Бериб турсангизлар.

— Нера?!

— Участковой хотинингни аризасини қайтариб олиш учун шунча пул олиб кел, деппти.

Жувоннинг отаси Абдувайит ака олдин ҳайрон бўлди: қизи ярашган бўлса, участковойнинг бу гапи нимаси? Кейин куёвидан шубҳаланди: бу илонинг ёғини ялаган лақиллата яптиёв...

Абдувайит ака пулни берадиган, фақат ўзи ҳам у билан бирга борадиган бўлди.

Улар иккаласи келишганда Шухрат айтган жойда участка вакили йўқ эди. "Келмапти", — дея тўнғиллади у. Абдувайит ака

эса куёви ўзини лақиллатмоқчи бўлаётганини сезиб ортига қайтди.

Шу куни кечаси соат ўн бирлар атрофида кимдир дарвозасини тақиллатди. Абдувайит ака дарвозани очиб, кўзи яна куёвига тушди. У фирт маст эди.

— Менга уч минг сўм пул топиб берасизлар...

Шу ерда машама бўлиб турганда Абдувайит аканинг ўғли Мамасидиқ келиб қолди. Гап нимадалигини суриштирганда у ҳам сўкиш эшитиб қолди.


Кейин нима бўлдию, Мамасидиқ хонасига қайтди. Унга Шухрат эргашди. Абдувайит ака бироз туриб, орқаларидан кириб борганида куёви ерда чалқанча тушиб ўлиб ётарди.

— Менга ўзи ташланди... — тўнғиллади ўғли. Куёвининг боши болга зарбидан ўйилиб кетганди.

Ота-бола шошиб-пишиб мурдани олачага ўраб, уйларининг ёнидан оқиб ўтувчи анҳорга ташлашди.

Кўп ўтмай эса сирлари фош бўлиб қўлга тушишди. Булуғур тумани ҳалқ суди ҳукмига биноан Мамасидиқ 9 йилу 2 ой, 20 кунга ҳукм қилинди. Отаси эса Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан элон қилинган авфга биноан жазони ўташдан озод қилинди.

Ўроқбой ҲАСАНОВ.



Эндигина 33 баҳорни қаршилаган бекорчи бўйдоқ Ғ. Розиков Иродани бағрига босишни кўнгли тусаб, унинг хонадонига кириб борди. Лекин афсуски, Ирода уйда елгиз эмас эди. Аллақандай нотаниш йигит Нигора исми аёл билан базму жамшид қилиб ўтирарди.

— Қани, меҳмон, бу еққа ўтиринг, — деди нотаниш йигит енидаги бўш стулни Ғайратга кўрсатиб. — Уялманг, бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар.

Қадаҳларга вино тўлдирилди. Бегоналар даврасида ўзини ноқулай сезган Ғайрат бироз улфатчилик қилгач, аста ўрнидан турди:

— Сизлар ўтириб туринглар, мен бир зумда бозор қилиб келаман, — деб кўчага ошиқди.

Орадан кўп ўтмай у 2 та қоғоз халтадаги нарсаларни хонага қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Қайтиб келса, қоғоз халталар жойида йўқ.

— Халталар қани?

— Кечирасиз, — деди Ирода ҳижолат тортгандай, — билмай уни ишлатиб қўйибмиз.

У қўлидаги бир парча гўштни қоғоз халтага ташлаб, Ғайратнинг қўлига тутқази. Бу Ғайратнинг иззат-нафсига тегди. Ўзини босди-да, Иродага қараб:

— 50 сўм қарзингни қачон берасан? — деб сўради.

— Ҳозир пулим йўқ, кейинроқ, албатта бераман, — деди Ирода.

Аламзада Ғайрат нотаниш меҳмонни ҳайдаб чиқаришга

ожишлик қиларди. Шу сабабли яқин орада яшайдиган Вадим исми оғайнисининг уйига кириб борди. У ерда бир оз улфатчилик қилди. Сўнгра яна Ироданинг уйига борди.

— Ҳой, Ирода, эшикни оч.

— Шовқин қилманг. Болаларни уйғотиб юборасиз, — деди қўлида пичоқ билан ошхонада куймаланиб юрган Нигора.

— Менга Иродани чақиринг.

— Ирода уйда йўқ.

Ғайрат эшик, деразани уриб тақиллатар, сўқинар, бироқ Ирода ҳадеганда юз кўрсатмасди. Бир пайт қаёқдандир икки йигит пайдо бўлди. Улар Ғайратга юзланиб:

— Ҳозироқ бу ердан туёгингни бир шиқиллатиб қол, — дея дўқ-пўписа қилиб, гойиб бўлишди.

— Ҳой, келиной, — деди Ғайрат Нигорага, — қорним жуда оч, овқат беринг.

— Э, йўқолинг-е бу ердан! — деди Нигора пичоқли қўли билан "ташқарига чиқиб кет" ишорасини қилиб. Бу ишора Ғайратга ҳақоратдек туюлди.

— Ҳой, ойимча. Сенда бор пичоқ менда ҳам бор, — деб Ғайрат қўлидаги пичоғини қўлига олди. Сўнгра ошхона томон аста одимлади.

Кўнгли бирор қор-қолни сезган Нигора ошхона эшигини зарб билан епди. Эшик қарс этиб Ғайратнинг қўлига урилди. Унинг қўлидаги пичоқ полга отилиб тушди. Ўзи эса орқага йиқилди. Бундан фойдаланган Нигора бўш қўли билан ердаги пичоққа

ташланар экан, Ғайрат ҳамла қилмаслиги учун ўнг қўлидаги пичоқни ҳавода ўйнатиб турди. Ўз навбатида пичоққа ташланган Ғ. Розиковнинг кўксига бошқа-пичоқ санчилди. У кўкрагини чангаллаганча Вадимнинг уйига кириб борди. "Тез ердан" уни шифохонага етказди.


Халқ суди Ғ. Розиковнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 85-ва 204-моддаларининг 3-банди билан айбдор деб топиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Хўш, Нигоранинг ўзи ким эди, дерсиз?

"Жилищник" ширкатида фаррош бўлиб хизмат қиладиган Нигора Эрназарова муқаддам безорилик ва ўғирликда айбланиб, озодликдан маҳрум этилган экан.

Бу гал Тошкент шаҳар халқ суди хайъати Нигора Эрназаровани жиноят мажмуасининг 90-моддасига қўра 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Нопоклик ҳукм сурган жойда, албатта, фалокат рўй бериши табиий ҳолдир. Нопоклик йўлига кирганлар қисмати юқоридагидек яқунланиши, баъзан бундан ҳам аянчлироқ фожиага сабаб бўлиши муқаррар.

Х. МҮЙДИНОВ.

ҚАЛЛОБЛИК
ФОШ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда ҳар бир милиция ходимининг асосий вазифаси — озод юртимиз ва азиз юртдошларимизни турли тоифадаги жиноятчи, қонунбузарлардан муҳофаза қилиш ва бу билан мустақил республикамиз равнақига равнақ қўшишдан иборатдир. Айни шу мақсадда жойлардаги ҳуқуқ-тартибот ходимлари бутун куч ва иқтидорларини ишга солиб меҳнат қилаётирлар. Бу борада Наманган вилояти ИИБ ИЖК бўлими ходимлари салмоқли ишларни амалга ошираётирлар.

Яқинда мазкур бўлим ходимлари бир неча туманлардаги савдо дўконларида текширув ўтказишди. Текширув жараёнида кўплаб савдо тармоқларидаги нуқсонлар очиб ташланди. Жумладан, Наманган шаҳридаги ишчи таъминоти бўлимининг "НОД-2" тизимида қарашли "Универсал" дўкони директори Маҳмуд Юнусов билан дўкон сотувчиси Усмон Фатхуллаев ўзаро тил бириктириб, магазинга келтирилган 140 минг сўмлик ноёб газламаларни сотувга чиқармай, газламаларни йўллар билан таниш-билишларига пуллаб, "чан" чўнтақларини қаппайтирганликлари аниқланди.

Тергов давомида М. Юнусов Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳридан шартнома асосида 1 миллион 790 минг 104 сўмлик ноёб газлама келтириб, ундан 540 минг сўмликни танишларидан — Мажитхон Мирзааҳмедов, Валихон Азизов, Шокир Ортиқов каби шахсларга пуллаб юборгани маълум бўлди.

Наманган туманидаги Тошбулоқ матлубот жамияти таъминотчиси Юсуф Сиддиқов билан омбор мудирини Еқуб Мамажоновлар қаллобликда газламафурушлардан қолшмас экан. Улар ёғ-мой комбинатидан 40 минг килограмм маргарин мойини (унинг ҳар бир тоннасига 53 минг 526 сўмдан, жами 2.221.040 сўм пул ўтказиш йўли билан) олиб келиб, уни аҳолига тарқатиш ўрнига устама нарҳда сотиб, каттагина фойда кўришни режалаштириб олишганди. Шу мақсадда Ю. Сиддиқов ҳар килоси 65 сўм турадиган 4000 килограмм маргарин мойини 115 сўмдан, жами 460.000 сўмга А. Мамажонов, С. Исақов, А. Руводжонов каби шахсларга сотиб, мўмай фойда кўрди.

Ёқубжон Мамажонов ҳам қаллобликда Ю. Сиддиқовдан қолшмади. У омборхонадаги 19000 килограмм маргарин мойини савдо дўконларига чиқармай таниш-билишларига сотиб юборган.

Вилоят ИИБ ИЖКнинг 3-бўлимаси бошлиғи, милиция майори Х. Раҳматуллаев, шу бўлимининг тезкор вакиллари билан милиция капитани Ж. Нуритдинов, Х. Абдуллаевлар бу каби жиноятларни фош этишда астойдил меҳнат қилаётирлар.

Чуст шаҳар матлубот жамиятига қарашли 22-сонли қурилиш материаллари дўкони мудирини Р. Абдуллаев ҳокимият томонидан ногиронларга тарқатишга ажратилган 65 тонна кўмирни ҳар тоннага 38 сўм 70 тиын бўлган ҳолда уни 150 сўмдан МПМК ишчиси К. Зокировга пуллаб юборган. К. Зокиров ҳам анойилардан эмас экан, у ўз навбатида бу кўмирларни танишларига 200 сўмдан сотиб, 3000 сўмдан зиёд соф фойда кўрмоқчи бўлган. Бу факт бўйича қаллоблар устидан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 175-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Текшириш жараёнида туманлардаги кўплаб савдо ходимларига "йўрғак"да теккан касаллик — ноёб молларни яшириб қўйишдек бир қатор фактларга дуч келинди. Хулоса қилиб айтганда, вилоят ҳудудидagi савдо тармоқларида ишларни яхшилаш борасида ҳали меҳнат қилишга тўғри келади. Ана шундангина харидорлар эътирозларининг камайишига, уларнинг юқори ташкилотларга шикоят қилишига чек қўйилади.

Т. ХОЛМАТОВ,
Наманган вилояти ИИБ ИЖК
бўлими бошлиғи.

ФАРРОШ ДАНЖАРА

ФОШ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Перри Мейсоннинг яна бир ходимаси Герти хонага кириб келди.

— Биласизми, мистер Мейсон, — деди у ҳовлиқанича, — қабулхонада мистер Эддисон ўтирибди. Авзойи жуда бузук, кутурган букага ўхшайди.

Мейсон кулимсиради.

— Ажабланманг, Эддисон уни бошқалар кутишига ўрганиб қолган. Лекин ҳозир бир оз кутиб тура турсин, ҳовури пасаяди.

— У кутишни истамапти, мистер Мейсон. Бир жойда ўтирмасдан, оч бўридай у ёқдан бу ёққа юрган. Зудлик билан қабул қилишингизни талаб қилаяпти.

— Яна бир икки дақиқа ушлаб туринг, — деди Мейсон, — принцип учун. Кейин киритворинг.

Эддисон хонага кириб келганида мутлақо ўзига ўхшамасди. Биринчи қарашдаёқ ўзига ишонган одамлигини билдириб турадиган салобати қаёққа йўқолди? У микти, яғрини кенг, уст-бошига доим аҳамият бериб юрадиган одам эди. Ҳар ҳолда катта универсал дўконнинг хўжайини. Аммо ҳозир эс-хушини йўқотиб қўйгани шундоққина кўриниб турарди.

— Салом, мистер Эддисон, — дея ўрнидан туриб қаршилади уни Мейсон.

Мейсоннинг қўлини сиқар экан, Эддисон ортиқча такаллуф қилиб ўтирмади.

— Мейсон, мен бир балога йўлиққанга ўхшайман!

— Утиринг, — деди Мейсон, — бир бошдан гапирингчи.

Эддисон Делла Стритга қараб қўйди.

— У менинг котибам, Делла Стрит. Менинг барча суҳбатларимда иштирок этади, бўлиб ўтган гапларни ёзиб олади, умуман ҳамма ишларимни олиб боради, — тушунтирди Мейсон. Унга батамом ишониш мумкин.

— Энди мен ҳеч кимга ишонмайман, — жавоб қилди Эддисон. — Соддалигим қимматга тушадиганга ўхшаб турибди.

Мейсон суҳбатдоши яна нима дер экан дегандай ўрнига ўтирди. Аммо Эддисон анчагача жим туриб қолди. Ниҳоят котибанинг суҳбатда иштирок этишига рози бўлгандай норози оҳангда гап бошлади:

— Майли, сизнингча бўла қолсин. Жин урсин, ҳамма ўз ишини ўзи истаганча олиб бориши керак-ку.

Делла Стрит қўлида дафтар билан қалам ушлаганича шай бўлиб турарди.

— Хўш, нима гап бўлди? — сўради Мейсон.

— Мени шантаж қилишяптилар, Мейсон.

— Ким? Нима мақсадда? Қандай қилиб?

— Унинг номини ҳеч эшитмаганман. Дундас. Қандайдир Жорж В. Дундас деган кимса.

— Жорж В., дейсизми. Онаси унга шундай исм бераётганда иккинчи Жорж Вашингтон тугдим деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Аммо у дохий бўлиш ўрнига шантаж билан шугулланишни афзал кўрганга ўхшайди.

— Йўқ, билишимча унинг тўла исми Жорж Витли Дундас бўлиши керак. Ҳар ҳолда газетада эълон қилинган мақоласининг тагига шундай имзо чеккан. Мақолани атайлаб сизга олиб келдим.

Картмонидан газетани олаётганида Эддисоннинг ҳафсала билан қиртишлаб тозаланган бармоқлари титрар эди.

— Тушунарли, — деди Мейсон мақолани ўқиб чиқар экан. — Бу ерда атайлаб қилинган шаъмалар тўлиб ётибди. Мана бунисини олиб

кўрайлик: “Кечаси оиласининг дўсти билан юрган ўша еш аёл ким эди? Хотини ҳимоячидан олган маслаҳат ҳақида эри билармикин?” — Мейсон мақоладан кўз узиб, гапида давом этди. — Одатдаги беъмани гаплар. Бу ерда ҳақиқат ёзилганми ёки ёлгон, тушуниб бўлмайди. Мана бу еш аёл тўғрисидаги вайсаш эса Жорж В. Дундаснинг хаёлига келган куруқ гапдан бошқа нарса эмас. Унинг номини ёзмаган-ку, ахир. Шундай экан, Дундас сиздан нима истамоқда?

— Мен Дундаснинг ўзи билан гаплашганим йўқ. Ўзини Эрик Хенсел деб таништирган одам билан гаплашдим. У репортёр

тиб тургани аниқ эди.

— Сиз тўхтадингизми?

— Аввалига тўхтаганим йўқ. Одатда нотаниш одамларни олиб юрмайман. Олтидан ўтиб кетдим. Лекин шу пайт унинг кўхликкина эканига кўзим тушиб қолди. Шундан сўнг бундай жойда ташлаб кетмасликка қарор қилдим. Чунки, бу ер пастқамлик бўлиб, ҳар қандай безори уни хафа қилиши мумкин эди... Шунинг учун машинани тўхтатиб, орқаси билан ёнига келдим.

— У ишингиздан мамнун бўлдингизми?

— Ҳа, раҳмат айта бошлади.

— Давом этаверинг, — деди куруққина Мейсон.

— Бундай еш ва тажрибасиз

гувоҳномасини кўргандирсиз?

— Йўқ. Жин урсин, Мейсон, мен бундай қараб аёл кишининг ёшини аниқлай олмайман. Унга ўн олти еш ҳам, йигирма беш еш ҳам бериш мумкин.

— Хўп, майли, — рози бўлди Мейсон. — Кейин нима бўлди?

— У ишга жойлашиб, мустақил ҳаёт кечирришга қарор қилганига чин дилдан иқроқ бўлди. Жойлашиб олганидан сўнг онасига мактуб йўллаб ҳамма гапни ёзиб юбормоқчи.

— У онасининг исмини тилга олгани йўқми?

— У кўп нарса айтиб беришга улгурмади. Биласизми, биз кўп йўл юрганимиз йўқ, йигирма миляча, холос. Мен у Нью-Йоркда хароб бўлмаслиги учун қандай ёрдам бериш тўғрисида кўпроқ ўйладим.

— Нима, у ёрдам сўради?

— У пули камлиги ва аниқ режаси йўқлигини айтди. Биласизми, Мейсон, мен бундан даҳшатга тушдим. Кўрқиб ҳам кетдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ешгина қиз пулсиз, ҳеч бир таниши бўлмаган бегона шаҳарга келса, кечаси қаерда тунашини ҳам билмаса.

— Хуллас сиз унга пул бердингиз?

— Гап фақат шунинг ўзидагина эмас, — деди Эддисон.

— Дурустроқ меҳмонхонадан хона топиш керак эди. Ўзингиз биласиз-ку Мейсон, ҳозир меҳмонхонага кириб, жой олиш анча мушкул иш. Биринчидан, у ердагилар ўзларига нотаниш ёлғиз аёлларни қабул қилишни ёқтиришмайди. Иккинчидан, меҳмонхоналар одамларга тўла. Дурустроқ хона олишнинг иложи йўқ.

— Хўш, сиз нима қилдингиз?

— Дўстим — “Рокевэй” меҳмонхонасининг бошқарувчисига кўнгирак қилдим. Ешгина аёл, Вероника Дэйл учун хона зарурлигини айтдим. У ҳаммасини ўринлатишга ваъда берди. Мен қиз учун кафолат беришимни айтдим, албатта.

— Кейин нима бўлди?

— Мен уни меҳмонхонагача олиб бориб, рўйхатдан ўтишини ва қалит олишини кузатиб турдим. Биласизми, Мейсон, бундай меҳмонхоналарда доим бир-иккита бўш хоналар бўлади. Уларни ҳар эҳтимолга қарши ушлаб туришади.

— Кейин нима бўлди?

— Қўлимдан келган ҳамма нарсани қилганим учун кўнглим хотиржам бўлиб, уйимга кетдим.

— Шундан кейин қизни дайди сифатида ҳибсга олганларидан хабар топдингиз?

— Ҳа.

— Бу қандай юз берди.

— Эрталаб менга қамоқхона назираси кўнгирак қилиб, Вероника қамоққа тушганлигини ва кечаси мени безовта қилишни истамаганлигини айтди. Биласизми, ажойиб қиз фақат андиша қилганидан тунни қамоқхонада ўтказган...

— Сизнинг ким эканлигингиз, яшаш жойингиз ва телефонингизни қаердан билибди? Таширфи қозонингизни берганмидингиз?

— Тўғриси айтсам, йўқ, бермаганим. Тан олишим қанчалик қийин бўлмасин, лекин айтишим керакки, менинг мавкеймдаги одамлар анча эҳтиёткор бўлишлари керак. Аммо у менинг турар жойимни машинамнинг олд ойнасидаги ёзувдан билиб олиши мумкин эди.

— У ҳибсга олинганини қачон билдингиз?

— Сизга кўнгирак қилишдан сал олдин.

— Тушунарли, — деди Мейсон, — ўшандан кейин сиз уни кўрмагансиз.

— Нега кўрмай? Мен уни ишга қабул қилдим-ку. У

меҳмонхонага қайтганини айтган захотингиз унга кўнгирак қилганман.

— Менга бу ҳақда айтмовдингиз...

— Мен сиз билан шундан кейин умуман гаплашганим йўқ-ку.

— Уни ишга олмоқчи бўлганлигингиз ҳақида гапираялман.

— Жин урсин, мистер Мейсон, ҳамма гапни сизга айтишим керакми?

— Ҳимоячилар билан муомалада бўлганда бу ортиқчалик қилмайди.

— Менга қаранг, Мейсон. Сиз шундай гапираяпсизки, гўё у...

— У қиз туфайли бошингизга ташвиш тушадиганга ўхшайди.

— Ундай деманг. У ажойиб, ифбатли қиз.

— Шантажчи? Нима у тасодифми? — деди Мейсон.

— Ҳа, бу шунчаки тасодиф, — таъкидлади Эддисон. — Шантаж ҳақида ҳам ҳали ҳеч нарса деганим йўқ-ку.

— Хўш, ундай бўлса гапиринг, қулоғим сизда.

— Гап бундай, — деди Эддисон, — Вероника билан ўртамазда ота-болаларча суҳбат бўлиб ўтди. Мен унга бундай, айниқса кечалари сайр қилиш ярамаслигини айтдим. Уни кўрқитмоқчи эмаслигимни, аммо ҳозир ҳар хил жиноятчилар, шахватпараст қотиллар кўпайиб кетганлигини тушунтирдим. Шунинг учун эҳтиёт бўлиш лозимлигини уқтирдим. Сўнгра кадрлар бўлимига юбордим.

— Сиз унга иш бердингизми?

— Менинг йўлланам билан кадрлар бўлимига борса иш топилар деб ўйлайман. Бунга ишончим шунчалик комидки, ҳатто текшириб кўрганим ҳам йўқ.

— Хуллас, у сизнинг универсал дўконингизда ишлаяпти?

— Ҳа.

— Анави Дундас нима истайди?

— Биласизми, ўша, Эрик Хенсел деган одам кўнгирак қилиб, газетадаги хабар муносабати билан мenden интервью олмоқчи эканлигини айтди. Менга ўхшаш одам матбуот билан жанжаллашиши яраммайди, обрўйимга путур етиши мумкин. Обрўйимни кўз қорачиғидай асрашга ўрганиб қолганман.

— Албатта, — деди куруққина Мейсон.

— Лекин интервью мен ўйлагандан бошқачароқ бўлиб қикди. Мистер Хенсел сарикдан келган, сурбет йигит бўлиб, унинг ўрни салмоқли газетада эмас, отчопарда бўлиши керак. Кўриниши ҳам беўхшов. У менга ҳаётим, шеригим, ишларим ҳақида бир нечта савол берди, бунинг устига ўзини кўпол тутди.

Энди ҳайдаб чиқармоқчи бўлганимда Вероника Дэйл билан қандай муносабатда эканлигимни сўраб қолди. У деярли ҳамма фактларни билар экан. Жорж Дундас мен ҳақимда газетанинг киборлар ахборотида хабар бермоқчилигини ва менинг Вероника Дэйлга ўйланиш ниятим бор-йўқлигини билмоқчилигини айтди.

Ана шунда, Мейсон, ўзимни тутамадим. Унга бақириб, кўзимдан йўқолишини талаб қилдим. У эса сигаретини бемалол тутатиб: “Хўп, яхши, бақалок, бу хабарни босиб чиқарамиз” деса бўладими?

Тушунапсизми, Мейсон бу шилқим, бу гийбатчи мени ўз хонамда бақалок деса-я!

— Ҳа, у сиз билан анча беҳурмат муомала қилибди, — деди Мейсон.

— Беҳурмат муомала қилибди дейсизми? У мени ҳақорат қилди-ку!

(Давоми бор).

Эрл Стенли ГАРДНЕР

Бокира



Дайди



эканлигини ва Дундасга фактлар топиб беришини айтди. Ҳозир эса у менга қарши қандайдир фактлар топибди!

— Улар ҳаммасини пухта ўйлашибди, — деди Мейсон, — Дундасга қарши ҳеч қандай айб қўйиб бўлмайди, Хенсел билан ҳамкорлик қилишидан ҳам тониши мумкин.

— Ҳа, ҳаммаси шундай бўлиши мумкин, — деди асабийлашганича Эддисон, — улар қандай иш кўришганига ту-пурдим. Асосийси бу Вероника билан бўлиб ўтган воқеага боғлиқ шантаждан бошқа нарса эмас.

— Батафсилроқ гапириб берингчи, — илтимос қилди Мейсон.

Эддисон бемалолроқ ўтириб олишга ҳаракат қилар, аммо унинг янада асабийлашаётгани кўриниб турарди.

— Жин урсин! Нимадан бошлашни ҳам билмайман.

— Қиз билан қандай танишганингиздан бошланг, — деди Мейсон.

Эддисон ҳайрон бўлди.

— Ростданми? Лекин, нима учун?

— Мана шундан бошлайверинг.

— Бу воқеага қиз аралашган деган гапни қаёқдан олдингиз?

Мейсон индамасдан ку-лимсиради.

— Хўп, майли, — рози бўлди Эддисон, — шундан боғласам ҳам бўлаверади. Бу пайшанба ку-ни, кечкурун тахминан соат тўққизларда рўй берди. Мен шаҳар ташқарисидан уйга қайтаётган эдим. Унга кўзим тушганда қўлида кичкина жомадон ушлаганича йўл четида турарди.

Машиналарни тўхтатишга уринмасди, лекин шаҳарга элтиб қўйишларини ку-

қизни машинага ўтказгандан кейин орада суҳбат бошланиши табиий ҳол.

— Фактларга қайтинг, — ил-тимос қилди Мейсон.

— Даставвал у бир оз қимтиниб ўтирди. Лекин мен отаси тенги келишимни айтганимдан сўнг ўзини эркинроқ сеза бошлади. Бир оздан кейин менга ишониб, бошидан кечирганларини айтиб берди. Унинг меҳрибон онаси бўлиб, қизни жуда яхши кўрар экан. Лекин қиз кичкина шаҳарчадаги ҳаётдан ўта зерикиб кетибди. Бундай ҳаёт жонига шундай тегибдики, асти кўяверасиз.

— Турмуши қандай экан, — сўради Мейсон.

— Ҳаёт демаса ҳам бўлаверади. Отаси вафот этган. Онасининг кичкина ресторани, тўғрироғи емакхонаси бор экан. Индиана-полис улардан эллик мил нарида, демак кинотеатрлар, дискотекалар анча узоқда жойлашган. Гапига қараганда, хўрандалар учун дастурхон тузаган, идиш-товокларни ювган, Хуллас онасига қарашган.

Бундай ҳаёт маъдасига теккан. Ҳамма дурустроқ йигитлар омад излаб катта шаҳарларга кетиб қолишган. Бошқаларида эса на ҳиссиёт, на қалб, на эҳтирос бор.

— Унинг сўзларидан қаттиқ таъсирланибсиз.

— Нега ундай дейсиз? — хафа бўлди Эддисон.

— Чунки унинг: “На ҳиссиёт, на қалб, на эҳтирос бор”, деган сўзларини эслаб қолибсиз. Унинг ёши нечада?

— Ўн саккизда.

— Бу аниқми?

— Мен қаёқдан билай? Бу фақат менинг тахминим.

— Балки, унинг ҳайдовчилик

ҲАМ ТАШАККУР, ҲАМ ТАКЛИФ

1992 йилнинг 12 майида "Ўзбекистон овози" рўзномасида "Дайдилар ким? Угрими ёки..." номли мақолам чоп этилган эди. Унда республикамизга бошқа минтақалардан, айниқса Русия, Украинадан дайдилар, жазо муддатини ўтаганлар, турли касалликларга дучор бўлганларнинг шифохонамизга ҳар хил ташкилотлар йўлланмаси, аралашуви ва ҳатто тазйиқ ўтказиш орқали жойлаштирилиши хусусида тўхталгандим.

Яқин вақтларгача мен ишлаётган Тошкент шаҳар 1-клиник сил касалликлар шифохонасида юқоридаги шахслар 130-140 нафарга етарди.

Тагин бу ношукурлар дарди бироз енгиллашиши билан ичкиликбозлик, ўғрилик, безорилик каби эски нағмаларини бошлашарди. Айниқса тиббиёт ходимларини ҳақорат қилишар, ҳатто ҳужум қилишга ўтишарди. Тез-тез шифохонада ўғирликлар ҳам содир этиларди.

Даргоҳимиздаги бундай оғир вазиятни бутун туман мутасаддилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билардилар.

Маъмуриятимиз илтимосига кўра Собир Раҳимов тумани ҳокими Қ.Рафиқовнинг кўрсатмаси бўйича туман ИИБ бошлиғи Б.Сиддиқов раҳбарлигида дастур ишлаб чиқилди. Натижада шифохонамизда осойишталик ўрнатилиши билан

бирга дайдилар сони ҳам кескин камайди.

Бу ишда милиция катта лейтенантлари Ф.Рўзимуродов ва С.Мирқодировларнинг хизматлари каттадир.

Уларга шифохонада алоҳида хона ажратилиб, жамоамизнинг кўнгилли халқ дружинаси бошлиғи С.Ҳошимов биркитилди.

Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Ходимлар ҳар бир даволанувчи билан яккама-якка суҳбатлашишди.

Асосий эътиборни шифохонада ўзини қандай тутиш, тузалгач олиб борилажак турмуш тарзи, жамиятдаги ўрни, фойдали меҳнат билан шуғулланиш каби масалаларга қаратдилар.

Ушбу тадбирлар шу йилнинг январидан яна ўтказилмоқда. Ишонаманки, натижаси самарали бўлрди.

Менимча, шаҳар бўйича биз сингари оғир вазиятга бўлган ташкилотлар ягонамас. Шу сабабли шифохонамизда ўтказилган тадбирлар ўрганилиб, оммалаштирилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Жонкуяр милиция ходимлари Ф.Рўзимуродов ва С.Мирқодировларни рағбатлантиришни эса ички ишлар вазирлигидан илтимос қиламан.

АТҲАМ РАСУЛЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари номзоди, Тошкент шаҳар 1-клиник сил касалликлари шифохонасининг бош ҳақими.



Милицияда ишламоқчиман

"Постда" газетасининг ўтган йилги сонларидан бирини "Батальон ҳашарда" деб номланган мақолани ўқидим. Чунки мен ҳам милицияда ишлашни жуда хоҳлардим. Армиядан келганимга икки йил бўлди. Касбим электрик. Ички ишлар бўлимига учрашсам, пропискангиз вақтинча экан, деб рад эттишди.

Қисқаси, мен ўша батальон ҳақида, унга ишга кириш учун кимга ва қаерга мурожаат қилиш лозимлигини билмоқчи эдим.

Х.ТУРДИЕВ,
авиация ишлаб чиқариш бироқлиги ишчиси.

Жавоб

Собиқ СССРга қарам пайтимизда Тошкент шаҳрида бешта давлат элчихоналари мавжуд эди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган, юзлаб мамлакатлар бизни тан олишди ва республикамиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида пойтахтимизда ўз элчихоналарини очига интилишмоқда.

Хозирча элчихоналар сони 14 тага етди.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг алоҳида милиция батальони милиционерларига ана шундай хорийжий давлатлар элчихоналарини қўриқлаш, ўзларига биркитилган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилган.

Тошкент шаҳрида ўз элчихоналарини очиб арафасида турган давлатлар сони янада кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан ушбу батальон сафига еш йигитларни қабул қилиш давом этмоқда. Унга 20 дан 30 ешгача бўлган, жисмоний чиниққан, Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлган, энг камида ўрта маълумот олган, армияда хизмат қилиб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Батальон манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 20 уй. Метронинг Ҳамид Олимжон бекати. Керакли маълумотларни 32-72-86 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

Кўп нарса равшанлашди

Январь ойининг бошларида, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигига қарашли Давлат автомобиль назорати бошқармасидан бир гуруҳ милиция ходимлари фуқароларни ҳозирги вақтда кийнаб турган бир қанча саволларга ойнаи жаҳон орқали жавоб бердилар.

Собиқ СССР тарқалиб кетгандан кейин, йўл ҳаракат қойдалари ҳам тугади, деб ўйлаган эдик. Адашган эканмиз.

ДАН ходимларининг ойнаи жаҳон орқали мана шундай чиқишлари иложи борича тез-тез ўтказилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу кунларгача давлат белгилари, техник паспортлар, имтиҳон, тўхтамай кетиши, машина рулида маст юриш каби масалаларнинг кўпчилиги фуқаролар учун тушунарсиз томонлари кўп эди.

Айниқса, қочганни қувиш мумкинми? Носоз машиналар билан йўлга чиқса бўладими? — каби саволларнинг жавоблари ҳаммага ҳам маълум эмасди.

Кўрсатувда эса ҳаммасига ойдинлик киритилди.

Биз биламиз, милиция ходимлари қаҳратон демай, саратон демай хизмат қилишади, жиноятчилар билан курашишади. Ва бу олишув чоғида айримларнинг ҳалок бўлаётганликлари ҳам сир эмас.

Шунинг учун шаҳарлар, туманларда ҳам милиция ходимлари одамлар билан тез-тез учрашиб, шунга ўхшаган савол-жавобларни уюштиришса, қизиқ-қизик мисоллардан гапириб бериб туришса нур устига аъло нур бўлиб, милициянинг обрўйи халқ ичида янада ошар эди.

Қисқаси, ходимларнинг ойнаи жаҳон орқали фуқароларнинг саволларига берган қизиқарли жавоблари орқали биз кўп нарсаларни билиб олдик.

М.МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти, Хонобод шаҳри.

Жамоатчилик кўмагида

Барча ўйлаши мумкин: "милиция ходимларига, мазада, хизматларининг ҳеч бир қийини йўқ, қанча имтиёزلардан фойдаланишади". Очиги, авваллари мен ҳам шундай ўйлардим. Аммо, 1984 йилда милицияга ишга келдим, биринчи кунданоқ ширин хаёлларим тумандек тарқаб кетди. Милицияда ишлашни хоҳлаган киши ҳузур-ҳаловатдан воз кечиши лозим экан.

Бизнинг касбимизда одамлар билан тил топишмасанг, уларнинг кўмагида иш олиб бормасанг эл ичида хурмат ҳам қозонилмайсан, ишингда айтарли силжиш бўлмайди. Буни бир неча йиллик тажрибамдан биламан. Шу боис ҳар доим одамлар ердамида ишлашга, уларга суянишга ҳаракат қиламан.

Жамоатчилик билан ишлашнинг фойдали томони тўғрисида битта мисол келтириб ўтмоқчиман. Шу йилдан бошлаб маҳалла кўмитаси ва участкада жойлашган тиббиёт билим юрти ўқитувчилари ташаббуси билан тунги навбатчилик ташкил эдик ва бу бизнинг ишимизни анча енгиллаштиряпти. Ҳар куни кеч соат 19 да маҳалла раиси ва билим юрти раҳбари 4-6 кишини тунги навбатчиликка олиб чиқади. Улар биз билан соат 22 гача осойишталикни сақлашда иштирок этишади. Бунинг натижасида билим юрти ётоқхоналари ва маҳалланинг кўчаларида турли хил безорилик, жиноятчилик ҳаракатлари кескин камайди.

Жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ешларимизнинг бекор юришларидир. Бирор жойда ишламагандан кейин киши ейиш, кийиш учун бирор йўл излайди. Баъзан бу йўлларнинг энг хавфлисини танлайдилар. Ё ўғирлик қилади, еки безорилик. Шунинг учун ҳам маҳалла оқсоқоллари, маҳалла кўмиталари ишсизларни иш билан таъминлаш, уларнинг билимини, кучини фойдали меҳнатга жалб этиш учун қайғурмоғи керак.

Мен участка вакили бўлиб ишлаётган даҳада 3 минг 500 киши яшайди. Шунинг учун ҳам ҳаммиса жамоатчилик кўмагида ишонган ҳолда иш олиб боришга уринаман. Бу қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларимизга яқиндан ердан беради.

Тулкин ХОЛИҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 3-чи шаҳар ИИБ участкаси вакили, милиция лейтенанти.

Абдусаттор ТУРБОНОВ



Мудҳиш фожеа туфайли содир бўлган бевақт ўлим қалбларимизни ларзага солди. Дўстимиз, ҳамкасбимиз, ҳаммамиз учун азиз бўлган инсон — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг йўл-патруль хизмати бўлими катта назоратчиси, милиция катта лейтенанти Абдусаттор Турбонов ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда, кутилмаганда содир бўлган авария натижасида орамиздан бевақт кетди. Шууримизни қарахт қилган бу мудҳиш хабарга ишонгимиз ҳам келмайди. Чунки хушчақчақ, гап-сўзлари, юриш-туришлари ўзи

сингари содда, беғубор, беғараз бўлган дўстимиз кечагина қалби тўла орзу-умидлар, яхши ниятлар билан хизмат сафарига кетган эди. Энди эса ўша сафардан унинг фожиаги ўлими ҳақидаги хабар юракларимизга оғир дард бўлиб кириб келди.

А. Турбонов 1978 йилдан ИИБ идораларида хизмат қилиб келарди. У босиб ўтган ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари, ўз хизмат бурчига содиқлиги, дўстларига, хизматдошларига меҳрибонлиги, онласига, фарзандларига бўлган садоқати ҳар бир инсон учун ўрнак бўларди.

Абдусаттор Турбоновнинг орзу-ўйлари, ширин хаёллари хотирот бўлиб қолди. Уни хизмат сафарига оқ йўл тилаб, кузатиб қолган умр йўлдошининг кўзлари эшикда қолди. Фарзандларининг кўзларида соғинч қолди, дард қолди. Қувончу қайғули кунларда доим елкадош бўлган дўстлари қалбида армон, хизматдошлари кўнглида изтироб уя қурди.

Аллоҳ унинг қолган умрини фарзандларига берган бўлсин. Улар оталарининг эзгу ниятларини, амалга ошира олмаган ишларини давом эттиришсин. Биз дўстимизнинг оила аъзоларига сабр-бардош тилаймиз. Қалбларимиз тўла изтироб билан ҳамдардлик билдираемиз.

Кабринг нурга тўлсин, Абдусаттор.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармаси жамоаси.

Усмон ВАЛИҚУЛОВ

Бевақт ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст ва кадрдонимиз Усмон Хотамович Валиқуловни орамиздан олиб кетди.

Усмон Хотамович ўзининг бутун онгли ҳаётини Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби хизматига бағишлади.

Ўз хизмат фаолиятини вилоятдаги Ангрэн шаҳри бўйича енгиндан сақлаш назорати бошлиғи лавозимидан бошлаган Усмон Хотамович ишга бўлган фидойилиги, билимдонлиги туфайли вилоят енгиндан сақлаш бўлими бошлиғи ўринбосари даражасига кўтарилди.

Усмон Хотамович кейинги йилларда вилоят ички ишлар бошқармасида хўжалик, шахсий таркибни ижтимоий, ҳуқуқий химоялаш бўлимига раҳбарлик қилди.

У қаерда ва қайси лавозимларда хизмат қилмасин ўзига юклатилган вазифани уddулаб келди. Ҳар бир масалага масъулият билан ёндашди.

1991 йилда соғлиги емонлашганлиги туфайли нафақага



чиққанди. Усмон Хотамович Валиқулов сиймоси Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари хотирасида абадий сақланади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 1-сон ҳунар-техника билим юрти томонидан 1972 йилда Османов Ислам номига берилган ААГ 173819 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қидирилмоқда

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 1946 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, "Ўқитувчилар газетаси" да мухбир бўлиб ишлаган, Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 1914-модда, 2-қисми билан жиноят содир қилганликда айбланаётган Анвар Деҳқонович Усмонов қидирилмоқда.

А.Усмонов тўғрисида бирон-бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда "02" рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН Бошқармаси жамоаси Бошқарма ходими, милиция подполковниги Михаил Дмитриевич Тарниқовга онаси

Анна Михайловна ТАТАРНИКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

<ul style="list-style-type: none"> • Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди. 	<p>Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.</p> <p>Обуна рақами — 64615.</p>	<p>Мухаррир Зокир ОТАЕВ.</p> <p>МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.</p>
---	---	---	---